O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 16 январь, № 11-12 (4164-4165) Сешанба

2007 ЙИЛ — ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ

Ижтимоий ёрдамга, маънавий кўмакка муҳтож болаларнинг бошини силаш, ардоқлаб кўнглини кўтариш катта савоб ишлардан саналади. Энг муҳими, бу хислат қон-қонимизга сингиб кетган.

МуруВВат уйининг муваффақияти

Самарқанд шаҳридаги 10-Меҳрибонлик уйи фаолият кўрсатаётганига яқинда 65 йил тўлади. Ҳозир бу ерда 182 нафар болажон малакали ўқитувчи, тарбиячи, тўгарак раҳбарлари бошчилигида таълим-тарбия ҳамда ҳунар ўрганмоқда. Меҳрибонлик уйида тарбияланувчилар учун керакли шароитлар яратилган бўлиб, ётоқхона, спорт зали ўйинхоналар, ошхона ва синфхоналар улар ихтиёрида.

Бундан ташқари, улар таътил пайтларида Ургут тоғлари бағрида жойлашган «Севасой» дам олиш масканида ҳордиқ чиқарадилар. Шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз шаҳарларига мунтазам саёҳат уюштирилади. Мана, бир неча йилдирки, вилоятдаги Меҳрибонлик уйлари ўртасида ўтказиладиган кўрик-танловлар ғолиби бўлиб келаётган бу даргоҳ бу йил ҳам «Энг яхши Меҳрибонлик уйи» ва «Энг яхши Меҳрибонлик уйи тарбиячиси» танловида республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

СУРАТЛАРДА: Самарқанд шаҳридаги 10-Меҳрибонлик уйидан лавҳалар.



Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Президент табригини ўқиб...

ОРЗУ ҚИЛИШГА САЗОВОР КАСБ

Юртимизда Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ўн беш йиллиги катта тантана билан нишонланди. Президентимизнинг шу муносабат билан йўлланган байрам табригида таъкидланганидек, ўтган 15 йил мобайнида юртимизда замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган Қуролли Кучларимиз шакилланди.

Оддий аскар Сарвар Бекчонов Хоразм вилоятининг Хонқа туманида туғилган. У кузги чақирувда хизматга келган.

— Президентимизнинг байрам табригини телевидение орқали диққат билан эшитдим, — дейди Сарвар. — Унда зикр этилган бир калом мени руҳлантириб юборди: «Ҳозирги кунда Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун нафақат конституциявий бурч, балки мамлакатимиздаги орзу қилишга сазовор касбга айланди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз».

Дарҳақиқат, шундай. Мен ҳам ҳарбий хизматда кўп нарсаларни ўрганаяпман. Хизматга келгунимга қадар мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгашига қарашли ҳайдовчилик мактабида ўқидим, спорт билан шуғулландим, бунинг натижасида танловдан муваффақиятли ўтиб, аскар бўлдим.

Юртимизда ҳарбий бўлишни орзу қилаётган Сарварнинг тенгдошлари кўпчиликни ташкил этади. Чунки ёшлар армия сафида ҳарбий мутахассисликларни эгаллаш билан бирга жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланмоқда.

Президентимиз табригида ҳарбий тайёргарлик даражаси ва ҳарбий хизматчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар сифатини оширишда ҳар йили ўтказиладиган ва анъанага айланиб қолган «Энг яхши сержант», «Энг яхши гуруҳ командири», «Энг яхши взвод командири», «Энг яхши батальон командири» каби йўналишлар бўйича танловлар, айниқса, муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланган.

Масалан, сержант Жасур Рашидов бир неча йилдан буён Қуролли Кучлар сафида хизмат қилади. Дастлаб, десантчи-аскар бўлиб юртимиз сарҳадларини ҳимоя қилди. Марказий ҳарбий округга қарашли сержантлар мактабининг илк битирувчиларидан ҳисобланади. Ўз олдига қўйилган топшириқларни намунали уддалаб келаётганлиги учун у бу сафар ҳам «Энг яхши сержант» номинациясида ғолиб деб топилди. Танловнинг ушбу йўналишида Жасур учинчи бор ғолиб бўлди.

— Бундан буён ҳам бор кучимни Ўзбекистонимиз тинчлигини ҳимоя қилишга сарфлайман, — дейди Жасур Рашидов. — Юртимиз сарҳадларини муносиб ҳимоя қилаётган сафдошларимни яна бир бор Ватан ҳимоячилари куни билан табриклайман.

«Халқ сўзи» мухбири З. ЖОНИБЕКОВ ёзиб олди.

Давлат солиқ қўмитаси Ҳайъатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-244-сонли Қарори талаблари асосида бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларининг тўлиқ ва сифатли бажарилиши якунлари таҳлил этилди.

САРҲИСОБ ВА РЕЖА

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-532-сонли Қарори ижросини таъминлаш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Таъкидландики, ўтган йили солиқ идоралари томонидан республика бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга маблағлар тўплаш бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлари 102,9 фоиз бажарилди ёки солиқ тўловларининг миқдори бултурдагига нисбатан 29,3 фоиз кўп ундирилди. Шунингдек, ўтган йили тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган текширишларни қисқартириш ва улар фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олиш борасида солиқ органлари томонидан ўтказилган жами текширувлар сони 21 фоиз қисқартирилди.

(Давоми 4-бетда).

ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2007 йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Ҳисобот даврида соҳа корхоналарининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ижросини таъминлашга ҳамда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш, корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, хизматлар турларини кўпайтириш, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳасида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилди.

Ўтган йили соҳа корхоналари томонидан 622,55 миллиард сўмлик (2005 йилдагига нисбатан 155,6 фоиз ўсиш), шу жумладан, алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида 584,1 миллиард сўмлик, ахборот ва матбуот соҳасида 38,45 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилди.

Ҳисобот даврида соҳага 133,34 миллион АҚШ доллари (режага нисбатан 127,6 фоиз) миқдорида хориж инвестицияси киритилди ва ушбу маблағнинг қарийб 80 фоизи — 104,14 миллион АҚШ доллари тўғридан-тўғри жалб этилган инвестицияни ташкил этди.

Соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли ҳисобот даврида Интернетдан фойдаланувчилар сони 1,7 миллионга етди. Ушбу кўрсаткич 2005 йилнинг шу давридагига нисбатан салкам икки баравардан кўпроқ ортди. 2006 йилда асосий телефонлар сони 2009,5 мингтани ташкил этди, мобил алоқа абонентларининг сони эса 2720,0 мингтага етди.

Мажлисда ахборот-коммуникация технологияларининг иқтисодиёт соҳалари ривожланишидаги, давлат ва идоравий бошқарув тизимларини такомиллаштиришдаги ўрни ҳамда ҳисобга олиш тизимларини мукаммаллаштиришга оид масалалар ҳам кўриб чиқилди. Ахборотлаштириш соҳасида статистика ҳисоботини такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди ҳамда вазирлик, идора ва ҳокимликлар томонидан ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишларга алоҳида аҳамият бериш топширилди.

Мажлисда комплекс таркибидаги идоралар томонидан 2007 йил Инвестиция дастури ва экспорт режаларининг бажарилишини таъминлаш бўйича кўрилиши лозим бўлган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. Идораларга мазкур дастурга киритилган лойиҳаларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш топширилди. Бунда тўғридан-тўғри жалб этиладиган инвестициялар ҳисобидан мазкур дастурни ортиғи билан бажариш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда ижро интизомини янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорларини сифатли ва тўла бажаришни таъминлаш, идора ва ташкилотлар бошқарувининг барча бўғинлари иш фаолияти самарадорлигини ҳамда раҳбарларнинг масъулиятини янада ошириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Осиё қитъасидан ислом маданиятининг пойтахти, деб эълон қилиниши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини Ислом конференцияси ташкилоти номидан муборакбод этиш менга улкан мамнуният бахш этади.

Тошкент ушбу юксак ва фахрли унвонга Ўзбекистоннинг ислом маданияти ва фанидаги беқиёс ўрни, ёдгорликларни асрабавайлаш ҳамда ислом меросини янада бойитиш борасидаги улкан хизматлари учун лойиқ деб топилди. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилотининг (ISESCO) бу қарори Осиё дурдонаси бўлмиш Тошкент шаҳрининг бой тарихи ва маданияти фан, санъат ҳамда жаҳон цивилизациясида алоҳида аҳамият касб этиши билан ҳам изоҳланади.

Ушбу қувончли воқеанинг нишонланишига бағишланган тадбирлар дунё ҳамжамиятига ўзбек халқининг кўҳна ва бой мероси билан яқиндан танишиш имконини бериши ҳамда цивилизациялар ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро ишончнинг мустаҳкамланишига хизмат қилишига ишончим комил.

Ислом конференцияси ташкилоти Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг маънавий ва миллий қадриятларни тиклаш, бой тарихий, илмий-маърифий ва маданий меросни ўрганишга қаратилган саъй-ҳаракатларини юксак баҳолайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига янада юксак тараққиёт ва фаровонлик тилаб қоламан.

Камоли эҳтиром билан,

Акмалиддин ЭҲСОН ўғли,
Ислом конференцияси ташкилоти Бош котиби.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Азиз Тошкент шаҳрининг ислом дунёсининг маданий пойтахти сифатида эътироф этилиши Тошкент ҳамда буюк Ўзбекистон халқининг нафақат ислом тамаддунида, балки бутун Шарқ маданияти ва санъатида етакчи ўрин тутишидан яна бир далолатдир.

Сиз, Жаноби Олийлари ҳамда Ўзбекистон ҳукумати ва халқига самимий табрикларимни изҳор этиб, Яратган Аллоҳдан дўст ва биродар Ўзбекистонга равнақ ато этишини сўраб қоламан.

Эҳтиром ила,

Саййид Муҳаммад ҲОТАМИЙ,
Маданиятлар ва цивилизацияларарО мулоқот халқаро институти директори, Эрон Ислом Республикасининг собиқ президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати билан маҳаллий Кенгашларнинг депутатлар корпуси ҳамда ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасидаги алоқалар самарадорлигини оширишга, ҳамкорликни яхшилашга, Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши ўтган йил июнь ойида ушбу масала юзасидан қабул қилган қарорнинг ижро этилишига бағишлаб давра суҳбати ўтказилди.



Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида парламент юқори палатаси аъзоларининг ишига баҳо бериб, Сенат билан вакиллик ҳокимияти маҳаллий органлари ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича бир қатор адолатли мулоҳазалар ва таклифларни айтган эди. Бу мулоҳаза ва таклифлар сенаторларнинг шундан кейинги фаолиятига асос бўлди.

Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши давлат раҳбарининг танқидий мулоҳазалари ва таклифларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Сенат ва унинг қўмиталари қарорлари ижросининг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда ижро этувчи ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкорлигини яхшилашга қаратилган қарор қабул қилди.

Сенат қўмиталари белгиланган дастурни бажара бориб, парламент юқори палатаси билан вакиллик ҳокимияти маҳаллий органларининг ҳамкорлик қилиш механизмини такомиллаштириш соҳасида муайян ишларни олиб бормоқда. Ҳозирги вақтда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг намунавий регламенти, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг доимий комиссиялари тўғрисида намунавий низом ишлаб чиқилиб, Сенат Кенгаши мажлисида тасдиқланган, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятини ташкил этиш бўйича Тавсиялар маъқулланган.

Сенат қўмиталарининг халқ депутатлари вилоят Кенгашлари билан биргаликда минтақавий муаммоларни муҳокама қилишга бағишлаб кўчма мажлислар ўтказиши сенаторлар ишидан мустаҳкам ўрин олди. Бу мажлисларнинг қарорларида минтақалар ва умумдавлат манфаатларининг мувозанати ҳисобга олинмоқда ва улар уйғунлаштириб борилмоқда. Ана шундай мажлислар Сурхондарё, Сирдарё, Навоий, Фарғона ва Тошкент вилоятларида бўлиб ўтди.

Давра суҳбати қатнашчилари қарорнинг ижросини муҳокама қилиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ишида ижобий ўзгаришлар юз бераётганлигини кўрсатиб ўтдилар. Доимий комиссиялар иши фаоллашди, маҳаллий Кенгашларнинг деярли ҳамма сессияларида Сенат аъзолари иштирок этмоқда. Сенат ва унинг қўмиталари қабул қилган қарорлар ҳамма ерда депутатлар томонидан муҳокама қилиниб, улар ижроси юзасидан аниқ чоралар кўрилмоқда.

Минтақаларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссияларининг вакиллари ва сенаторлар иштироки фаоллашди. Масалан, Навоий вилоятининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини кучайтириш масалалари халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари томонидан Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси билан бирга муҳокама қилинди. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ Конвенциясининг Андижон вилоятида ижро этилиши Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси томонидан вилоят халқ депутатлари билан бирга муҳокама қилинди. 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг Сирдарё вилоятида умумтаълим мактаблари моддий-техника базасини ривожлантиришга доир қисми қандай ижро этилаётганини ўрганиш натижалари Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзолари томонидан шу вилоят халқ депутатлари Кенгаши билан биргаликда кўриб чиқилди.

Шу билан бирга давра суҳбати қатнашчилари маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари билан Сенат қўмиталари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, Сенат қўмиталари мажлисларига материаллар тайёрлашга вилоят ва туман депутатларини янада кенгроқ жалб этиш зарурлигига эътиборни қаратдилар.

Мунозара жараёнида бир қатор долзарб масалалар юзасидан манфаатдорлик руҳида фикр алмашув бўлиб ўтди. Бу масалаларни ҳал қилиш Сенат билан маҳаллий Кенгашларнинг депутатлар корпуси ўртасида янада самарали алоқа ва ҳамкорликни йўлга қўйиш, биргаликда олиб борилаётган ишни яхшилаш имконини беради.

Муҳокама якунлари бўйича Олий Мажлис Сенати билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамкорлигининг самарадорлигини ошириш, бундан буён ҳам Сенат ва унинг қўмиталари қарорларини бажаришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш юзасидан тавсиялар берилди.

Давра суҳбатида сенаторлар, олимлар, Тошкент Давлат юридик институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг ўқитувчилари, вилоят ҳокимликлари ташкилий-назорат бўлимларининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

ЭШИТДИНГИЗМИ ?

Германиянинг Висбаден шаҳрида жойлашган Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) турли йўналишлар бўйича 2006 йил якунига бағишланган янги рейтинг жадвалини эълон қилди. Унда футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати Осиёдаги энг кучли чемпионат, деб эътироф этилди.

Парламент назорати

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси депутатлари ҳамда тегишли мутахассислардан иборат таркибда тузилган ишчи гуруҳи Давлат бюджетининг соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган маблағларидан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ масалаларнинг Тошкент вилоятида ижро этилишини ўрганиб чиқди. Ўрганиш давомида эътибор қаратилган масалалар яқинда бўлиб ўтган қўмита йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди. Инсон саломатлиги ва унга кўрсатилаётган эътибор кўпчиликни қизиқтиради, деган мақсадда ушбу тадбир тафсилотини тайёрладик. Хўш, Тошкент вилоятида даволаш-профилактика муассасалари томонидан аҳолига кафолатланган бепул тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолати, солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлардан фойдаланиш ҳамда тизимда пуллик хизматнинг бугунги аҳволи қандай?

Пуллик тиббий хизмат:

«ДАВО»ГА МУҲТОЖ

Бахтиёр СОАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси:

— Маълумки, Давлат бюджетидан соғлиқни сақлашга ажратилаётган маблағ йилдан йилга ўсмоқда. Хусусан, Тошкент вилоятида маҳаллий бюджетдан соғлиқни сақлаш соҳасига 2004 йилда 24,4 миллиард, 2005 йилда 30 миллиард, 2006 йилда эса 40,2 миллиард сўм ажратилган. Вилоятда бюджет ижроси 97 фоизга бажарилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 1 декабрдаги "Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорига кўра, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 2155 нафар тиббиёт ходимига 22,9 млн. сўм устама, 8610 нафар тиббиёт ходимига 210,5 млн. сўм моддий рағбатлантириш ва 726 нафар тиббиёт ходимига 21,7 млн. сўм моддий ёрдам кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг ижроси ўрганилганда, вилоятда мазкур соҳадаги кредитор қарздорлик жами 778,2 млн. сўмни ташкил этган бўлса, дебитор қарздорлик 2006 йил биринчи октябрь ҳолатига 116,9 млн. сўмни ташкил этган. Айрим тиббий муассаса раҳбарлари томонидан молия-хўжалик фаолияти устидан етарли назорат ишлари ташкил этилмаганлиги оқибатида бюджетдан ажратилган маблағларни ноқонуний ҳаражат қилиш, камомад ва ўзлаштириш ҳолатларига йўл қўйилган. Масалан, Қибрай тумани марказий шифохонаси томонидан имзоланган шартномаларга асосан "Шахзода Бону" хусусий корхонаси, "Радиопрепарат" корхонаси ва "Сантимпекс" корхонаси бўйича қарздорлик мавжуд. Қибрай марказий шифохонаси ва "Миролим" ишлаб чиқариш корхонаси ўртасида газ, сув, электр ҳисоблагич ва қувур маҳсулотларини сотиб олиш учун тузилган шартномага асосан ўтказиб берилган 6,5 млн. сўм пул маблағлари эвазига ҳеч қандай товар ёки маҳсулотлар олинмаган, корхонанинг бухгалтериясидаги дебиторлар рўйхатга киритилмаган ва бухгалтерия ҳужжатларида акс эттирилмаган.

Нурмат ОТАБЕКОВ, Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи:

— Тошкент вилояти ҳокимлигининг 2004 йил 10 мартдаги қарорига асосан тизимдаги даволаш профилактика муассасаларини мукаммал таъмирлаш бўйича маблағ вилоят бюджетининг эркин қолдиғи ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилган эди. Шу қарор ижроси юзасидан жойларда капитал ва мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Лекин шу кунга қадар мукаммал таъмирланган объектларда бажарилган ишлар учун маблағ ажратилмаганлиги сабабли бир қанча тиббий муассасаларимизда муддати ўтган кредиторлик қарзи мавжуд бўлиб қолмоқда. Шунинг ҳисобига Қибрай тумани марказий шифохонасининг "Санитимпекс" қурилиш корхонаси олдида 23,1 млн. сўмлик муддати ўтган кредиторлик қарзи мавжуд. "Радиопрепарат" корхонасидан барча тиббий муассасалар реактив маҳсулотлар олиб туришади. Бу маҳсулотлар бошқа ташкилотларда сотилмайди.

Туман марказий шифохонаси газ, сув, электр ҳисоблагичлари хизмат муддатини ўтаб маънавий эскирганлиги сабабли уларни янгилаш бўйича муассаса раҳбари томонидан хулоса қилиниб, "Миролим" ишлаб чиқариш корхонаси билан шартнома имзоланган. Шартнома шартларига кўра, ишлаб чиқариш корхонаси ҳисоблагичларни ўз вақтида муассасага етказиб бериши лозим эди. Лекин мазкур корхона томонидан товар моддий бойликлар муассасага ўз вақтида етказиб берилмагани боис биз туман прокуратурасига мурожаат қилдик ва ҳозирда "Миролим" ишлаб чиқариш корхонасига нисбатан жиноий иш қўзғатилган.

Илҳом НАСРИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси:

— Тошкент вилояти прокуратураси томонидан 2000-2005 йиллар ҳамда 2006 йилнинг 9 ойлигида соғлиқни сақлаш муассасаларида бюджет маблағларининг талон-торож қилиниши, мансабдор шахслар томонидан совуққонликка йўл қўйилиб, бюджет ёки жамоа манфаатларига зарар етказилиши ҳолатлари юзасидан жами 27та жиноий иш қўзғатилган. Булар бўйича аниқланган зарар суммаси 81 млн. сўмни ташкил этади. Шундан дастлабки тергов давомида 57,8 млн. сўм ундирилган.

Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси маълумотларига кўра, Тошкент вилоятидаги соғлиқни сақлаш муассасаларида ўтказилган тафтиш ва текширишлар асосида аниқланган қонун бузилиши натижасида 2004 йилда 45,5 млн. сўм, 2005 йилда 106,4 млн. сўм, 2006 йилнинг 9 ойлигида эса 102,3 млн. сўмни ташкил этган бўлса, республика бўйича бу кўрсаткич 2004 йилда 618,5 млн. сўм, 2005 йилда 1642,9 млн. сўм, 2006 йилнинг 9 ойлигида 1103,1 млн. сўм миқдорида молиявий хато ва камчиликларга йўл қўйилган.

Н. ОТАБЕКОВ:

— Вилоят ҳокимлигининг қарорларига асосан, кейинги йиллар мобайнида тизимда бир қанча қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Иш фаолияти давомида ташкилотлар бажарилган ишлар далолатномасига қурилиш ҳажмини кўпайтириб ёзишлари ҳисобига 2005 ва 2006 йиллардаги кўрсаткичлар ошиб кетди. Мазкур ҳолат юзасидан бошқармамиз мутахассислари ўрганиш ўтказиб, улар томонидан олиб борилган ишлар сифатсиз эканлиги аниқланиб, чора белгилаш учун вилоят прокуратурасига мурожаат қилинган ва айрим пудратчи ташкилотларга нисбатан жиноий иш қўзғатилган. Назорат-тафтиш бошқармаси томонидан берилган маълумотларга кўра, аниқланган нозимига ва 4,6 млн. сўми вилоят коллежлар бошқармасига қарашли тиббиёт коллежларига тааллуқли бўлиб, соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли 63,6 млн. сўм маблағ ўз жойига қўйилган ва ўзлаштириш ҳолатлари қайд қилинган.

Б. СОАТОВ:

— Вазирлар Маҳкамасининг "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорининг айрим бандларининг бажарилиши талаб даражасида эмас. Вилоят соғлиқни сақлаш тизимидаги жами 74 та пуллик хизмат кўрсатувчи муассасалардан фақат 5 таси 2000 йилдан то ҳозирги кунга қадар пуллик хизматлар ва бошқа тушумлар юзасидан давлат томонидан берилган имтиёзлар туфайли солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қанча миқдорда озод этилганлиги тўғрисидаги ҳисоботларни юритган ҳамда давлат солиқ инспекцияларига тақдим этган.

Айни пайтда вилоятнинг айрим туманларида бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари талаб даражасида юритилмаётир, ғазнахоналар белгиланган тартибда жиҳозланмаган, касса кирим чипталари белгиланган тартибда тўлдирилмаслик ҳолатлари мавжуд. Жойларда пуллик хизмат кўрсатадиган шифокор ва стоматологларга касса режаси белгиланган ва бунга биноан улар ҳар ойда 10 мингсўмдан 15 минг сўмгача пуллик хизматлар кўрсатиш натижасида тўпланган пул маблағларини кассага топшириш амалиёти жорий қилинганлиги аниқланди. Бундан ташқари беморлардан олинган нақд пулларни уч-беш кунлигини ўзида йиғиб, шифохона ғазнасига топширишлари, ғазначи эса ўз навбатида ҳафта давомида бир-икки маротаба нақд пулни йиғиб топшираётганлиги ҳам аниқланди.

Н. ОТАБЕКОВ:

— Тизимдаги барча пуллик хизмат кўрсатувчи муассасалар давлат томонидан берилган имтиёзлар, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этилганлиги қонуний ҳаражатлар вилоятда бошқарма таркибига кирмайдиган айрим тиббиёт муассасаларида аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари умумлаштириб кўрсатилган. Мавжуд 102,3 млн. сўмлик йўл қўйилган молиявий хато ва нуқсонларга тўхталадиган бўлсак, ушбу маблағнинг 23,6 млн. сўми соғлиқни сақлаш объектларида таъмирлаш ишларини олиб бораётган вилоят капитал қурилиш бошқармасига, 10,3 млн. сўми Давлат санитария-эпидемиология назорати тизимига ва 4,6 млн. сўми вилоят коллежлар бошқармасига қарашли тиббиёт коллежларига тааллуқли бўлиб, соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли 63,6 млн. сўм маблағ ўз жойига қўйилган ва ўзлаштириш ҳолатлари қайд қилинган.

Б. СОАТОВ:

— Вазирлар Маҳкамасининг "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорининг айрим бандларининг бажарилиши талаб даражасида эмас. Вилоят соғлиқни сақлаш тизимидаги жами 74 та пуллик хизмат кўрсатувчи муассасалардан фақат 5 таси 2000 йилдан то ҳозирги кунга қадар пуллик хизматлар ва бошқа тушумлар юзасидан давлат томонидан берилган имтиёзлар туфайли солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қанча миқдорда озод этилганлиги тўғрисидаги ҳисоботларни юритган ҳамда давлат солиқ инспекцияларига тақдим этган.

Айни пайтда вилоятнинг айрим туманларида бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари талаб даражасида юритилмаётир, ғазнахоналар белгиланган тартибда жиҳозланмаган, касса кирим чипталари белгиланган тартибда тўлдирилмаслик ҳолатлари мавжуд. Жойларда пуллик хизмат кўрсатадиган шифокор ва стоматологларга касса режаси белгиланган ва бунга биноан улар ҳар ойда 10 мингсўмдан 15 минг сўмгача пуллик хизматлар кўрсатиш натижасида тўпланган пул маблағларини кассага топшириш амалиёти жорий қилинганлиги аниқланди. Бундан ташқари беморлардан олинган нақд пулларни уч-беш кунлигини ўзида йиғиб, шифохона ғазнасига топширишлари, ғазначи эса ўз навбатида ҳафта давомида бир-икки маротаба нақд пулни йиғиб топшираётганлиги ҳам аниқланди.

Н. ОТАБЕКОВ:

— Тизимдаги барча пуллик хизмат кўрсатувчи муассасалар давлат томонидан берилган имтиёзлар, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этилганлиги тўғрисида хабардор қилинган. Афсуски жойлардаги раҳбарлар ушбу кўрсатмаларга амал қилишмаяпти.

Тиббий муассасалар ҳар хил масофада тарқоқ жойлашганлиги сабабли ходимларнинг ойлик маошини тарқатиш бўлим катта ҳамширалари ва бўлим бошлиқлари жавобгарлигига юклатилган. Шу билан бир қаторда аҳолига кўрсатилган пуллик тиббий хизмат тўланган нақд пуллар улар томонидан йиғиб олиниб, умумий муассаса кассасига кирим ордерлари ёки рўйхат асосида тақдим этиб келинади. Аҳолига кўрсатилган пуллик тиббий хизмат тушум миқдори камлиги учун айрим ҳолатларда инкасса ходимлари томонидан нақд пул икки-уч кунлик қилиб олиб кетилади. Лекин, таъкидлаш керакки, барча тиббий муассасалардан тушган нақд пулни олиб кетиш учун инкасса шартномалари мавжуд.

Жамила НИЁЗОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси:

— Тошкент вилояти миқёсида пуллик хизмат кўрсатиш сифатини ўрганиш шуни кўрсатдики, тизимда ўзибўларчиликка, ўзлаштиришга ва пул маблағларининг банкдан ташқари айланишига кенг йўл очиб берилган. Шунингдек, пулли хизматни тизимда ҳуқуқий ниҳатдан тартибга солиш масаласига эътиборсизлик билан қараганлиги нафақат биргина шу вилоятда, балки бутун мамлакат миқёсида айнан шундай ҳолат ҳукм сураётганлигидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, маблағларни ўзлаштириш, суиистеъмолчиликларга ва бошқа ноқонуний ҳаракатларга йўл очиб бериши мумкинлигини эсдан чиқармаслик керак.

Йиғилишда депутатлар, Давлат солиқ қўмитаси, соғлиқни сақлаш ҳамда молия вазирликларининг вакиллари иштирок этди. Муҳокамада пуллик хизматлар кўрсатувчи бўлимларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тизимда мавжуд эмаслиги таъкидланди. Сўзга чиққанлар қайд этганларидек, вазирликнинг ушбу тизимни такомиллаштириш бўйича қабул қилган меъёрий ҳужжатлари амалдаги қонун ҳужжатларига зид ёки мослаштирилган. Бу ҳолатда аҳолига кўрсатилаётган пуллик тиббий хизмат ҳисоботларини юритиш механизмини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.' Чунки давлат рўйхатидан бундай субъектларнинг тегишли равишда ўтказилмаслиги уларнинг фаолияти устидан солиқ, молия, маъмурий, ҳуқуқий назорат олиб бориш имкониятини бермайди.

Шу боис, йиғилишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Муҳокама жараёнини "Халқ сўзи" мухбири Зиёда АШУРОВА кузатди.

ТИНЧЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

«...Бугун Ўзбекистон ўзининг ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, етарли даражада қуролланган, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини, юртимиздаги барқарорликни, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир миллий армиясига эга, деб ғурур ва ифтихор билан айтиш учун барча асосларимиз бор».

Ушбу жумлалар мамлакатимиз Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригидан олинди. Ҳақиқатан ҳам, мустақиллик йилларида юртимизда том маънодаги миллий армиямиз шаклланди. У она заминимиз чегараларини бузиб ўтган террорчиларга қарши курашлар, сарҳадларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилишдек шарафли вазифаларни бажариш жараёнида тобланди. Бу йил шонли армиямиз ташкил топганининг 15 йиллиги ўлкамиз бўйлаб кенг нишонланди. Юртбошимиз ўз табрикларида Ватан ҳимоячиларини байрам билан қутлаш баробарида, Қуролли Кучларимиз олдида турган муҳим вазифаларни ҳам белгилаб бердилар.

Хавфсизликка қарши қаратилган замонавий таҳдид ва хатарларни таҳлил қилиш йўлида бошланган ишларни давом эттириш, қўшинларни энг сўнгги, ўта аниқ ишлайдиган қуролярог ва техника, алоқанинг электрон, компьютерли тизимлар билан қуроллантириш, шахсий таркибнинг ўқув жанговар ҳамда машқ тайёргарлиги самарадорлигини кучайтириш, ҳарбий хизматчиларнинг юксак интизомини таъминлаш шундай вазифаларга киради. Шунингдек, табрикда белгилаб берилган вазифаларда қўшинлар таркибини янада мақбул ҳолатга келтириш, уларнинг таркибий-ташкилий тузилмасини, Қуролли Кучларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш зарурлиги ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Бундан чиқадиган хулоса шуки, яқин йилларда Қуролли Кучларимиз дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари армиялари даражасига кўтарилади, сарҳадларимизни ҳар қандай хавф-хатардан ҳимоя қила оладиган кучга айланади. Бу эса халқимиз тинч-осуда ҳаётининг кафолатидир.

Мамлакатимиз пойтахти Тошкентни дунёда тинчлик ва дўстлик шаҳри сифатида яхши билишади. Бош кентимиз ушбу шарафли номга бу ерда ўтказилган тинчлик битимлари, Осиё ва Африка қитъалари саноатчиларини бирлаштирган халқаро кинофестиваллар туфайли сазовор бўлган. Ўтган ҳафтада яна бир қувончли хабар тарқалди. Ислом конференцияси ташкилоти таркибига кирувчи Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Тошкентни 2007 йилда Ислом маданиятининг пойтахти деб эълон қилди.

Ўтган ҳафтага назар

Хўш, нима учун айнан Тошкент бундай номга муносиб топилди? Гап шундаки, мамлакатимизда халқимиз маданий ва маънавий қадриятларини қайта тиклашга, Ислом цивилизацияси ёдгорликларини ҳимоя қилиш, асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилган. Мустақиллик йилларида кўплаб дин пешволарининг, алломаларимизнинг мероси ўрганилди, уларнинг ҳоклари ётган қадамжолар ободонлаштирилди ва муқаддас зиёратгоҳларга айлантирилди.



Биргина Тошкентда «Жаҳон маданияти ёдгорликлари» рўйхатига киритилган Бароқхон, Кўкалдош мадрасалари, Қаффол Шоший, Шайх Ҳованд Тохур, Юнусхон, Занги ота ёдгорлик мажмуалари бор. Шунингдек, энг қадимий Қуръони Карим нусхаларидан бири Усмон Қуръони ҳамда Беруний кутубхонаси ҳам айнан Тошкентда сақланмоқда.

Ғарбдаги айрим сиёсатчилар томонидан Ўзбекистонда диндорлар таъқиб қилинмоқда деган сафсаталар айтилаётган бир пайтда, Ислом оламидаги энг нуфузли ташкилотлардан бирининг Тошкентни Ислом маданиятининг умумжаҳон пойтахти деб тан олиши ёлғоннинг умри қисқа эканлигини кўрсатди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бу каби халқаро эътирофларнинг замирида юртимизда илм-фанга, динга, маданий меросга бўлган юксак эътибор ётибди. Ўтган ҳафтада Президентимиз томонидан «Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилинди. Абдулла Қаҳҳорнинг ўзбек адабиёти тарихидаги ўрни беқиёс. Унинг ижодий мероси ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам, ёзувчининг 100 йиллик юбилейи мамлакатимизда кенг миқёсда нишонланади. Қарорда Абдулла Қаҳҳор ижодига бағишланган илмий анжуманлар, давра суҳбатлари, адабий-бадиий тадбирлар, ижодий учрашувлар ўтказиш, Тошкент шаҳрида ёзувчига ҳайкал ўрнатиш, унинг ҳаёти ва ижодига бағишланган янги ҳужжатли филм яратиш, бир жилдлик сайланмасини ҳамда Кибриё Қаҳҳорованинг «Чорак аср ҳамнафас» китобини қайта нашр этиш каби тадбирлар белгиланган.

Ўтган ҳафтанинг муҳим воқеалари ҳақида гапирганда, илм-фан соҳасида вужудга келган бир ҳужжатни алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. У ҳам бўлса, мамлакатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган «Тошкент шаҳрида И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарордир. Юртимиз замини ер қазилма бойликларига, хусусан, нефть ва газга бой эканлигини яхши биламиз. Уларни излаб топиш, қазиб олиш ва қайта ишлаш учун бизга етук мутахассислар керак бўлади. Шунинг учун ҳам ушбу ҳужжатни мамлакатимиз илмий жамоатчилиги зўр қувонч билан қутиб олди. Таъкидлаш жоизки, ушбу қарорда филиал фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ барча ишлар бандма-банд кўрсатиб ўтилган. Энг асосийси, бу олий ўқув юртининг очилиши республикамиз нефть ва газ тармоғига малакали кадрлар тайёрлаб беришдан ташқари, олий таълим соҳасида Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлигининг кенгайишига ҳам хизмат қилади.

Б. УММАТОВ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 16 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	974,98	1 Малайзия ринггити	354,26
1 Англия фунт стерлинги	2435,14	1 Польша злотийси	415,45
1 Дания кронаси	215,66	1 СДР	1850,07
1 БАА дирҳами	338,13	1 Туркия лираси	869,03
1 АҚШ доллари	1241,85	1 Швейцария франки	996,35
1 Миср фунти	218,06	1 ЕВРО	1606,21
1 Исландия кронаси	17,54	10 Жанубий Корея вони	13,23
1 Канада доллари	1062, 05	10 Япония иенаси	103,30
1 Хитой юани	159,37	1 Россия рубли	46,73
		1 Украина гривнаси	245,91

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

«МЕНИНГ УЙИМ — МЕНИНГ ШАҲРИМ»

"Экосан" экология ва саломатлик халқаро жамғармаси томонидан 2006 йилда "Тошкент экологияси — жамоатчилик иштироки" шиори остида ўтказилган "Менинг уйим — менинг шаҳрим" кўрик-танлови якунлари сарҳисоб қилинди.

Танлов Экология ва саломатлик кунлари доирасида пойтахтимизда ободонлаштириш ишларини жонлантириш, кўп қаватли уйларни бошқариш, уларнинг санитария-экология аҳволини яхшилаш, теварак-атрофдаги ҳудудларни кўкаламзорлаштириш мақсадида ташкил этилган эди. Бунинг натижасида жонажон пойтахтимиз янада гўзаллашди, унинг кўча ва ҳовлилари тоза бўлди, ободонлаштирилди.

"Менинг уйим — менинг шаҳрим" танловида Тошкентда фаолият кўрсатаётган барча уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УМШ) иштирок этди. "Энг яхши подъезд" номинациясида Яккасарой туманидаги "Тожмаҳалкоммуналчи" УМШга қарашли Бобур кўчасидаги 46, 52, 56 ва 69-уйлар подъездлари ғолиб чиқди. Чилонзор туманидаги "Янги Қаратол коммуналчи" УМШга қарашли кўп қаватли 29-уй "Энг намунали уй", Мирзо Улуғбек туманидаги "Бобур биринчи коммуналчи" УМШга қарашли 2-уй ҳовлиси "Энг обод ҳовли" деб топилди. Ғолиблар совғалар билан мукофотланди.

Анна ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

Сурхондарёнинг Сайхон деб аталувчи яйловларида баҳор, нари борса, бир ойга чўзилар, деган гапни эшитиб қоламан. Бу билан лолақизғалдоқлар фаслига нисбат берадилар.

Ўзиям, Сайхоннинг лолақизғалдоқлари бир бошқача-да: кенгликлар узра бир хил тусда қалин ол гилам тўшаб чиқилгандай. Замин гўзаллиги аланга бўлиб кўкка туташаётгандай.

ДАРАХТЛАР МИНГ ЙИЛ ЯШАЙДИ

Очерк

Бироқ бу кўрганларингиз шунчаки сурат, манзара. Сиз шошилманг. Хаёлингизни жамлаб, қизғалдоқнинг нопармон тувакчаларига қўнган шабнамни томоша қилинг — унда товланган қуёш нуридан кўзларингиз қамашиб кетар. Қуёш селини елкасига опичлаб олган бўлса-да, қилдайгина пояси қилт етмай турган зироат қудратидан ҳайратингиз ошар. Бу қудрат шаънига қўшиқ қуйлаётган капалаклар рақсинавоси эшитилар.

Ана шундай ҳиссиётлардан сўнг қаршингиздаги сурат маъно, мазмун мақомига айлана бошлайди. Ҳайрату оҳанглар сеҳрли тусга киради. Бу тусланишдан юрак жунбушга келади. Кўзлар ўткирлашади. Субҳидам шамолидан илиқ, оби замзамдай тиниқ меҳр жилғалари жонланади. Пойимдаги лолазорни пайхон қилмадимми деган ҳадик билан бир қадам чекинасиз. Лолақизғалдоққа эгиласиз. Шу ер ўзингизники эканини теранроқ ҳис эта бошлайсиз.

Шу чаман, шу замин, шу капалаклар бор эканки, яна минг йиллар яшашингиз муқаррарлигига ишониб қоласиз. Сиз энди кучлисиз. Бахтлисиз. Чунки фикр тиниқ. Ишонч мустаҳкам. Моҳият равшан. Фикр, ҳис-туйғулар... ғояга айланган.

Бир гал Сайхонга сафарим саратонга тўғри келди: сарғиш адирликларни гармсел ялайди. Кўз қорачиқларига учма қум қўнади. Сувни ўттиз чақирим узоқликдан ташиб ичадилар. Бозорўчару келиш-кетишни кўяверинг.

— Бу даштларда зерикмайсанми? — деб сўрайман шундай иссиқда қора сатиндан тикилган чопон кийиб олган ёш йигит Камол Пардаевдан.

Камол чопонининг ўнгири билан юзига қўнган чангни артгач:

— Одам... ўзининг уйидан ҳам зерикар эканми, — дейди ва, гапим меҳмонга нордонроқ эшитилдими деган ўй билан жилмаяди. — Сайхоннинг жазирамасини, ака, мен унинг лолақизғалдоғидан ҳам яхши кўраман. Лолақизғалдоқ қовжираб қолди, деб бу ерлардан кўчиб кетолмайман-ку.

Қишда келинг-да биз томонларга. Аччиқ шамолдан қўрққан аёз пайтавангизга, чопонингизга ёпиша бошлайди. Совқотган адирликлар ўзларига туннинг қора кўрпасини ёпиб оладилар. Ана шундай паллада мен сурувни ёяман. Ёймасам, қўй босқоқ бўлиб қолади. Қасалга чалинади. Қўйи касал бўлган чўпон ҳамалга келиб зил кетади. Бунинг учун ... ишлаш керак. Яна...

— Гапларинг кўп китоб ўқийдиганларникига ўхшайди, — дейман.

— Телевизор кўраман, — дейди Камол ҳов узоқдан имиллаб келаётган юк машинасига бир қараб олиб, — Китоб, кутубхона биз томонларда йўқ. Газетаям. Аввалари агитатор деганларми, келишаркан. Тарғиботчилар-да... Ҳозир улар ҳам...

Лекин... уйимнинг олдида ўзим ўстирган дарахтларимга қаранг. Икки туп. Томчилатиб суғораман. Чанқаганини кўрсам, томоғимдан сув ўтмай қўяди. Минг йил яшайдиган дарахтлар.

Камолнинг шу гапи менга бойсунлик Маҳмуд Қосимов дегич врачнинг «Одам, қани эди дарахтлар мисол яшаса» деганини эслатди. Дарахт сахий: томири тупроққа илашса бас, тош ёриб бўлса-да, қаддини ростлайди. Яп роғи ҳаво. Сояси ҳузур. Меваси шифобахш таом. Шох-шаббаси ўчоқни илитгич. Бу хизматларининг барчаси беминнат.

Маҳмуджоннинг ҳам дарахтларга ўхшаш жиҳатлари кам эмасдай: туман шифохонасида «Фитотерапия» бўлимини очган. Унинг беморларни уколсиз, таблеткасиз даволашига кўплар ишонишмайди. Лекин, бораверишади. Чунки Маҳмуджоннинг қўлидан шифо топишади.

... Дўстмамат деган йигит хонага навбат кутмай кириб келади. «Дўхтир, буйрагимдаги тош тушди. Рентгенга кўриндим. Буйрак — тоза. Мен ўн икки йил қийналдим. Гўё тош чайнаб, тош ютиб яшадим. Бугун — соғман. Менга энди хизматни айтинг. Оғзингизни тўлдириб айтаверинг», дейди Дўстмамат кўзларида қувонч билан.

Маҳмуджон индамайди. Бу қувончга шерик бўлишга унинг вақти йўқ. Бўлимда элликтача бемор бор. Шундай пайтда «Чинор»га бориб чойхўрлик қиламиз, деган гап кирармиди қулоғига.

Хонада ҳалиям серрайиб турган йигитга «Маҳмуджон, сиз бораверинг» деди.

— Қаёққа. «Чинор»гами...

— Уйингизга-да.

— Мен...

— Сиз касал бўлманг. Туздан, ширинлик ва хамирдан ўзингизни тортинг. Хайр.

— Тош...

— Шунинг учун айтаяпман-ку бунинг шарафига чойхонада эмас, уйингизга бориб рақсга тушинг деб.

Жуссаси ихчамгина дўхтирнинг бунақа чўрткесарлигидан шифокорларни уйига чақириб олиб, даволангувчилар ҳам бохабар. Шунинг учун улар ҳам оддийгина иморатнинг оддийгина зинапояларида иккинчи қаватга чиқадилар-да, Маҳмуджоннинг эшигига ҳеч қандай ёзув қистирилмаган остонасида навбат эгаллайдилар.

Маҳмуджон эшитади. Эшитишни билади. Кабинетига телевизор, гилам, мебель керак деган гапларни ҳеч кимга шаъма қилмайди. Таъма қилолмайди. Жаҳли чиқмайди. Аразламайди. Бировнинг изидан гапирмайди.

Бир ғаддор уни кўп пойлади. Орага бир чангал майизни тиқиштириб бўлсада, унга порахўр деган от тангмоқчи бўлди. Маҳмуджон чалғимади. Дарахтлар уни қўллаб-қувватлади. Балодан асради.

Маҳмуджон э-энди қирқ бешга кирди. Бир Бойсунга йўлингиз тушиб, Маҳмуджонни йўқласангиз ва аҳволлашсангиз, у сизнинг неча ёшга кирганингизни (мучалингизни эмас, етти мучангизнинг физиологик ҳолатини) айтиб беради. Дўстликдан нишона бўлсин деб қўл кафтларингизгами тикон, ҳа, оддий тикон (игна билан даволагандай қилиб) қадаб қўяди. Ва, икки-уч оғиз гап билан қандай қилиб одам хафақонликка гирифтор бўлмаслигининг, ором олиб ухлашнинг, борлиқни, дарахтларни, одамларни яхши кўриб яшашнинг йўриқларини эслатиб қўяди.

Эслаб қололсангиз ва амал қилолсангиз — ютуқ сизники. Шундан сўнг Камол чўпоннинг яйдоқ адирликда ўстирилган дарахтлари мисол ўзингизни минг йил яшашга чоғлаётгандай бўласиз. Руҳиятингиз лолақизғалдоқлар мисол яшнаб туради.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

фаолиятини амалга оширади.

Чет давлатлар оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган ваколатхоналари ва вакилларининг ҳуқуқий мақоми ҳамда касбий фаолиятини амалга ошириш шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

39-модда. Низоларни ҳал этиш

Оммавий ахборот воситаларининг ташкил этилиши, фаолият кўрсатиши ва фаолиятининг тугатилиши соҳасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

40-модда. Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Бош муҳаррир, шунингдек журналист оммавий ахборот воситаларида ҳақиқатга мос келмайдиган материалларни тарқатганлик учун қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлмайди:

агар бу маълумотлар расмий хабарлардан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан ёки расмий статистика ҳисоботлари маълумотларидан ёхуд ахборот агентликлари ёки давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг матбуот хизматлари орқали олинган бўлса;

агар бу маълумотлар олдиндан ёзиб олинмасдан эфирга бериладиган муаллифлик чиқишларида мавжуд бўлса ёки чиқишларнинг сўзма-сўз такрорланиши (стенография, аудио-, видеоёзуви) бўлса.

24

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2007 йил

Қирқиш чизиғи

3-боб. Оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш

19-модда. Оммавий ахборот воситасини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби

Оммавий ахборот воситаси рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади (бундан буён матнда рўйхатдан ўтказиш деб юритилади). Оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза рўйхатдан ўтказувчи органга белгиланган тартибда муассис томонидан берилади.

Муассиснинг оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаси рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан бир ой муддатда кўриб чиқилиши керак.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказганлик ҳамда қайта рўйхатдан ўтказганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда рўйхатдан ўтказиш йиғими олинади.

20-модда. Оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза

Оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

муассис тўғрисидаги маълумотлар;

оммавий ахборот воситасининг номи, тили ва тури;

мақсад ва вазифалари;

ихтисослашуви;

тарқатилиш ҳудуди;

12

Буклаш чизиғи

даврийлиги;

молиялаштириш манбалари;

таҳририятнинг жойлашган ери (почта манзили) ва таҳририят тўғрисидаги бошқа маълумотлар;

ҳажми;

муассис ва таҳририят бошқа қайси оммавий ахборот воситаларига нисбатан муассис, ишончли бошқарувчи, ношир, тарқатувчи эканлиги ҳақидаги (барча аффилланган шахсларнинг ва улардан ҳар бирининг таҳририят устав фондидаги улуши миқдорлари кўрсатилган) маълумотлар.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризага оммавий ахборот воситасининг таъсис ҳужжатлари илова қилинади.

Агар муассис битта шахсдан иборат бўлса, рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этиладиган оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризага фақат таҳририят устави (низоми) илова қилинади.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказишда ушбу моддада назарда тутилганидан бошқа талаблар қўйиш тақиқланади.

Ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи-бешинчи хатбошиларида, шунингдек иккинчи қисмида кўрсатилган маълумотлар ва ҳужжатларга оммавий ахборот воситаси рўйхатдан ўтказилганидан сўнг ўзгартишлар киритилган тақдирда, у белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтиши шарт. Қолган ҳолларда муассис ёки таҳририят киритилган ўзгартишлар тўғрисида рўйхатдан ўтказувчи органни бир ой муддатда ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

21-модда. Рўйхатдан ўтказилмайдиган оммавий ахборот воситалари

Қуйидагиларнинг рўйхатдан ўтказилиши талаб

13

Қирқиш чизиғи

трон шакллари таҳририяти томонидан олинган раддия ёки жавоб айнан ўша дастур ёки туркумда, келган кунидан эътиборан бир ойдан кечиктирмай эфирга берилади.

Агар раддия ёки жавобни эълон қилиш ҳажми ва вақти оммавий ахборот воситасининг фаолиятига зарар етказиши мумкин бўлса, матнни ахборот манбаи ёки муаллиф билан келишилган ҳолда асосланган таҳрир қилишга йўл қўйилади.

Оммавий ахборот воситаси раддияни, жавобни эълон қилишдан бўйин товласа ёхуд уларни эълон қилиш учун белгилаб қўйилган муддатни бузса, юридик ёки жисмоний шахс даъво аризаси билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

35-модда. Расмий хабарлар ва ахборотни эълон қилиш

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан таъсис этилган оммавий ахборот воситалари шу органларнинг расмий хабарлари ва материалларини, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини эълон қилиши шарт.

Фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги шошилинч хабарлар ёки ваколатли давлат органлари томонидан жамоатчиликка тезкорлик билан етказиш мақсадида берилган хабарлар барча оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Суднинг айнан шу оммавий ахборот воситасида эълон қилиш тўғрисидаги кўрсатмаси бўлган, қонуний кучга кирган қарорини таҳририят суд қарорида кўрсатилган муддатда бепул эълон қилиши шарт.

Ушбу модданинг биринчи – учинчи қисмларида назарда тутилганидан бошқа ҳар қандай ахборот, хабар ва эълон таҳририят билан тузиладиган шартнома асосида эълон қилинади.

22

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Оммавий ахборот воситалари тўғрисида (янги таҳрири)

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади оммавий ахборот воситаларининг ташкил этилиши, фаолият кўрсатиши ва фаолиятининг тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасида ташкил этиладиган ва фаолият кўрсатадиган оммавий ахборот воситаларига, шунингдек чет давлатлар оммавий ахборот воситаларига улар маҳсулотининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатилишига таллуқли қисмига нисбатан татбиқ этилади.

3-модда. Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шарт-

3

Қирқиш чизиғи

устав фондида чет эл инвестициялари улуши ушбу Қонун 8-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган чегарадан ортиб кетган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ваколатли давлат органини (бундан буён матнда рўйхатдан ўтказувчи орган деб юритилади) хабардор этиши шарт.

Муассиснинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

15-модда. Таҳририят

Таҳририят оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини амалга оширувчи юридик шахс ёки юридик шахснинг таркибий бўлинмасидир.

Таҳририят қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши мумкин.

Таҳририят ўз касб фаолиятида мустақилдир.

Таҳририят бош муҳаррир ва таҳририят ходимларидан иборат бўлиши мумкин.

Таҳририят оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин ўз фаолиятини бошлаши мумкин.

Таҳририят фаолиятини молиялаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

16-модда. Бош муҳаррир

Бош муҳаррир муассис томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Бош муҳаррир таҳририятга раҳбарлик қилади, оммавий ахборот воситасининг чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилади ва унинг фаолияти учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ бош муҳаррир оммавий ахборот воситасининг

10

Буклаш чизиғи

рад этилган тақдирда, рад этиш асослари кўрсатилган ёзма хабарнома қарор чиқарилгандан кейин ўн кун ичида аризачига юборилади.

Муассис рўйхатдан ўтказувчи органнинг оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиши мумкин.

23-модда. Оммавий ахборот воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш

Оммавий ахборот воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома фақат суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Оммавий ахборот воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги оммавий ахборот воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади. Бунда рўйхатдан ўтказувчи орган оммавий ахборот воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиши шарт.

Оммавий ахборот воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

24-модда. Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш

Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш рўйхатдан ўтказувчи органнинг аризаси асосида суднинг қарорига кўра амалга оширилади.

Муассис оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини таҳририят уставида (низомида) ёки муассис

15

Қирқиш чизиғи

ахборот воситаларининг тегишли марказий ёки маҳаллий бозорига чиқариладиган оммавий ахборот воситаларининг йигирма беш фоизидан ортиғига муассис (ҳаммуассис) бўлишга ва (ёки) уларни шунча миқдорда ўз мулкида, эгалигида, фойдаланишида, тасарруфида, юритувида ёхуд бошқарувида (бевосита ёки аффилланган шахслар орқали) сақлашга ҳақли эмас.

31-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет давлатлар оммавий ахборот воситалари маҳсулотини тарқатиш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет давлатлар оммавий ахборот воситалари маҳсулотини тарқатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибга, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Чет давлатларнинг оммавий ахборот воситалари томонидан оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилган тақдирда, уларнинг маҳсулотини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатиш тугатилиши мумкин.

5-боб. Оммавий ахборот воситаларининг фуқаролар ва ташкилотлар билан муносабатлари

32-модда. Муаллиф материалларидан ва хатлардан фойдаланиш

Оммавий ахборот воситаларида муаллиф материалларидан, фан, адабиёт ва санъат асарларидан қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланилишига йўл қўйилади.

Таҳририятга келган хатларни эълон қилишга тай-

20

Буклаш чизиғи

ишончлилиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

6-модда. Оммавий ахборот воситалари эркинлигини суиистеъмол қилишга йўл қўйилмаслиги

Оммавий ахборот воситаларидан:

Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш;

уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғояларини тарғиб қилиш;

давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ошкор этиш;

миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборот тарқатиш;

агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш;

порнографияни тарғиб этиш;

қонунга мувофиқ жиноий ва ўзга жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳаракатларни содир этиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўйилмайди.

Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ёки ишчанлик обрўсини таҳқирлаш, шахсий ҳаётига аралашиш тақиқланади.

Прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсатисиз суриштирув ёки дастлабки тергов материалларини эълон қилиш, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг қарори қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёхуд судга бошқача йўл билан таъсир кўрсатиш тақиқланади.

5

Қирқиш чизиғи

гиланади:

оммавий ахборот воситасининг тури, номи, тили, мақсади, ихтисослашуви, даврийлиги ва ҳажми;

таҳририятнинг жойлашган ери (почта манзили);

муассис ва таҳририятнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари;

таҳририятни молиялаштириш манбалари;

таҳририятнинг бошқарув органларини шакллантириш тартиби;

фойдани тақсимлаш ва зарарларнинг ўрнини қоплаш тартиби;

оммавий ахборот воситаси чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш асослари ва тартиби;

таҳририятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби;

уставни (низомни) қабул қилиш ва унга ўзгартишлар киритиш тартиби;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа қоидалар.

12-модда. Муассис ва таҳририят ўртасидаги шартнома

Муассис ва таҳририят ўртасидаги шартномада қуйидагилар белгиланади:

муассис ва таҳририятнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари;

оммавий ахборот воситасини тайёрлаш ва чиқариш шартлари;

таҳририят фаолиятини молиялаштириш тартиби;

таҳририят ходимларининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший меҳнат шароитларини ташкил этиш тартиби;

учинчи шахслар билан ўзаро муносабатлар тартиби;

тарафларнинг жавобгарлиги;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар.

8

Буклаш чизиғи

суднинг оммавий ахборот воситасини чиқаришни тўхтатиб туриш ҳақидаги қарори бажарилмаганлиги;

оммавий ахборот воситасининг олти ойдан зиёд вақт мобайнида чиқарилмаганлиги;

қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳоллар.

Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини тугатиш унинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилишига сабаб бўлади.

Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини тугатиш тўғрисида муассис томонидан қарор қабул қилинган тақдирда, таҳририят муассиснинг рухсати билан худди шундай номдаги оммавий ахборот воситасини белгиланган тартибда таъсис этишга ҳақлидир. Бундай ҳолда оммавий ахборот воситасини қайта рўйхатдан ўтказиш талаб қилинади.

4-боб. Оммавий ахборот воситалари маҳсулотини тарқатиш. Оммавий ахборот воситалари бозорини монополлаштиришга йўл қўйилмаслиги

25-модда. Оммавий ахборот воситалари маҳсулоти

Даврий босма нашр алоҳида сонининг адади ёки ададининг бир қисми ёхуд теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурларнинг ва оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа электрон тарздаги алоҳида чиқарилиши оммавий ахборот воситаларининг маҳсулотидир.

26-модда. Оммавий ахборот воситалари маҳсулотини тарқатиш

Оммавий ахборот воситаси маҳсулотини тарқатиш

17

Буклаш чизиғи

Хабарингиз бор, анъанага кўра йил бошида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги санъат ва спорт соҳасида юксак натижаларга эришган юртдошларимизни рағбатлантириб келади. Шанба куни 2006 йил номинантларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Энг яхшилар тақдирланди

Тантанали йиғилишда таъкидланганидек, Президентимиз томонидан маданият, санъат ва спорт соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўтган йил ҳам юртимиз санъат ва спорт аҳли учун омадли келди. Айниқса, бир қатор спортчиларимиз жаҳон чемпионатлари ва XV Осиё ўйинларида совринли ўринларни қўлга

киритдилар.

Тадбирда Республика ёш томошабинлар театрига «Йилнинг энг фаол театри», моҳир спортчи Артур Таймазовга «Йилнинг энг яхши спортчиси», Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаевага «Саҳнамиз фариштаси», енгил атлетикачи Светлана Радзивилга «Йилнинг энг иқтидорли спортчиси», режиссёр Нодира Қурбоновага «Болалар тадбирларининг энг моҳир режиссёри», Ўзбекистон бокс терма жамоасига «Йилнинг энг кучли спорт жамоаси», «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасига «Ўзбекистон ёш истеъдодларининг жонкуяри», Динара Зиятдинова ҳамда Озодбек Назарбековга «Йилнинг энг фаол эстрада қўшиқчилари» номинациялари тантанали равишда топширилди. Умуман, йигирма олти номинация ўз эгаларига берилди.

Ғолибларни тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби А.Азизхўжаев, Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова, маданият ва спорт ишлари вазири Р. Қурбонов иштирок этди.

Дарвоқе, 2006 йилнинг энг яхши маданият ва спорт ходимлари номинантларининг тўлиқ рўйхати билан **WWW.XS.UZ** сайтида танишишингиз мумкин.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

М. АМИН (ЎзА) олган сурат.

этилмайди:

фақат ўз расмий хабарлари ва материалларини, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини эълон қилиш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан таъсис этиладиган оммавий ахборот воситалари;

корхона, муассаса, ташкилотнинг (шу жумладан ўқув ва илмий муассасанинг) ўз эҳтиёжларини қондириш учун адади юзтагача нусхада чоп этиладиган даврий босма нашрлар;

кабель тармоқлари орқали олиб бериладиган (кўрсатиладиган) теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, шунингдек тарқатилиши бир корхона, муассаса, ташкилот (шу жумладан ўқув ва илмий муассаса) биноси ва (ёки) ҳудуди билан чекланадиган аудио-, аудиовизуал хабар ва материаллар.

22-модда. Оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказишни рад этиш

Оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

оммавий ахборот воситасининг мақсад ва вазифалари қонун ҳужжатларига зид бўлса;

оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза ушбу Қонунга мувофиқ оммавий ахборот воситасини таъсис этиш ҳуқуқига эга бўлмаган юридик ёки жисмоний шахс номидан берилган бўлса;

оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотлар ҳақиқатга мос келмаса;

бундан аввал айнан бир хил ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш номдаги оммавий ахборот воситаси рўйхатдан ўтказилган бўлса.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш

Буклаш чизиғи

муассиси, тарқатувчиси, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда, шунингдек судда таҳририят номидан иш юритади.

17-модда. Таҳририят ходими

Таҳририят штатида турган, материалларни тўплаш, таҳлил, таҳрир қилиш ҳамда тайёрлаш билан шуғулланувчи шахс таҳририят ходимидир.

18-модда. Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишига доир маълумотлар

Ҳар бир даврий нашрнинг чиқарилишида қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши шарт:

даврий нашрнинг номи;

давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва рақами;

муассиснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

бош муҳаррирнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

ҳар бир даврий нашр чиқарилиши учун масъул бўлган таҳририят ходимининг фамилияси, исми, отасининг исми;

тартиб рақами ва чиқарилган санаси, даврий босма нашрлар учун эса босишга рухсат берилиб, имзо қўйилган вақт (жадвалда белгилангани ва амалдагиси);

даврий босма нашрлар учун – индекси, адади, баҳоси ёки "Келишилган нархда", "Бепул" деган ёзувлар;

таҳририят ва босмахонанинг жойлашган ери (почта манзили).

Теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурларга ва оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа электрон шаклларига доир маълумотлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Қирқиш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 28 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 30 ноябрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»**ги 541—I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 1, 10-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органларининг ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 15 январь
№ ЎРҚ — 78

Буклаш чизиғи

6-боб. Якуниловчи қоидалар

36-модда. Ахборот агентликлари

Ушбу Қонун ахборот агентликларига нисбатан қўлланилган тақдирда, уларга бир вақтнинг ўзида оммавий ахборот воситасининг таҳририяти, нашири, тарқатувчиси мақоми ҳамда ҳуқуқий режими татбиқ этилади.

Ахборот агентлиги томонидан таъсис этиладиган, доимий номга эга бўлган ахборотнома, хабарнома, бошқа нашр ёки дастур ушбу Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

Ахборот агентлигининг хабарлари ва материаллари бошқа оммавий ахборот воситаси томонидан тарқатилган тақдирда, ахборот агентлигининг номи кўрсатилиши шарт.

37-модда. Халқаро ҳамкорлик

Оммавий ахборот соҳасидаги халқаро ҳамкорлик халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

38-модда. Чет давлатлар оммавий ахборот воситаларининг ваколатхоналари ва вакилларини аккредитация қилиш

Чет давлатлар оммавий ахборот воситаларининг ваколатхоналари ва вакиллари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинганидан кейин Ўзбекистон Республикасида ўз

Қирқиш чизиғи

ва таҳририят ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган ҳолларда ҳамда тартибда тўхтатиб туриш ёки тугатишга ҳақлидир.

Муассис оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилганидан кейин ўз қарори ҳақида рўйхатдан ўтказувчи органни уч кун ичида ёзма шаклда хабардор этиши шарт. Мазкур хабарнома ушбу оммавий ахборот воситаси чиқарилишининг тўхтатиб турилиши ёки тугатилишидан олдинги сўнгги чиқарилишларидан бирига жойлаштирилиши керак.

Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини суд қарорига кўра тўхтатиб туриш рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан таҳририятга нисбатан чиқарилган огоҳлантиришга сабаб бўлган қонун ҳужжатлари бузилиши такрорий ёзма огоҳлантиришдан кейин бир ой ичида бартараф этилмаган тақдирда амалга оширилади.

Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини қайта бошлаш рўйхатдан ўтказувчи орган аниқлаган қонун ҳужжатлари бузилишлари бартараф этилганлигини тасдиқловчи маълумотлар муассис ва (ёки) таҳририят томонидан судга тақдим этилганидан кейин суд қарорига асосан амалга оширилади.

Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини тугатиш тўғрисида суд томонидан қарор чиқариш учун қуйидагилар асос бўлиши мумкин:

оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари таҳририят томонидан мунтазам равишда бузиб келинганлиги, бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан муассис ва (ёки) таҳририят номига илгари ёзма огоҳлантиришлар юборилганлиги;

Буклаш чизиғи

Агар муассис ва таҳририят сифатида бир шахс иш юритса, шартнома тузиш талаб этилмайди.

13-модда. Муассиснинг ҳуқуқлари

Муассис:

оммавий ахборот воситасининг рўйхатда қайд этилган номидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

таҳририятнинг бошқарув органларини шакллантиришда таъсис шартномаси, таҳририят устави (низоми) ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этиш;

фойдани тақсимлашда ва зарарларнинг ўрнини қоплашда иштирок этиш;

энг катта ҳажми ва чиқариладиган муддати таҳририят уставига (низомига) ёки муассис ва таҳририят ўртасидаги шартномага мувофиқ белгиланадиган, реклама тусида бўлмаган хабар ёки материални ўз номидан оммавий ахборот воситасида бепул жойлаштириш;

таҳририятнинг фаолияти тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкни ёки унинг қийматини қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олиш ҳуқуқига эга.

Муассис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14-модда. Муассиснинг мажбуриятлари

Муассис:

таҳририятни ташкил этиши;

таҳририят уставини (низомини) тасдиқлаши;

таҳририят билан шартнома тузиши;

оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини таъминлаши;

оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаши;

муассиснинг устав фонди ўзгарганлиги ҳақида, агар

Қирқиш чизиғи

номасида Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

4-модда. Оммавий ахборот воситалари

Оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган (бундан буён матнда чиқариладиган деб юритилади) шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситасидир.

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятини "Давлат тили ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширади.

5-модда. Оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари эркин бўлиб, ўз фаолиятини ушбу Қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Ҳар ким, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошкора баён этиш ҳуқуқига эгадир.

Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига биноан ахборотни излаш, олиш, тарқатиш ҳуқуқига эга ҳамда тарқатилаётган ахборотнинг холислиги ва

Буклаш чизиғи

ёрлаш чоғида уларнинг мазмунини бузмаган ҳолда матнини қисқартириш ҳамда таҳрир қилишга йўл қўйилади.

Таҳририят қонуний асосларда рад этган материални оммавий ахборот воситасида мажбуран эълон қилдиришга ҳеч ким ҳақли эмас.

33-модда. Ахборот манбаини ошкор этмаслик

Таҳририят ўз номини ошкор этмаслик шарти билан берилган ахборот, маълумотлар, фактлар ёки далиллар манбаининг номини, шунингдек тахаллусини қўйган муаллифнинг номини уларнинг ёзма розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас.

Таҳририят ахборот манбаининг ёки тахаллусини қўйган муаллифнинг талабига биноан уларнинг номидан судда иштирок этиши мумкин.

34-модда. Раддия бериш ва жавоб қайтариш ҳуқуқи

Юридик ёки жисмоний шахс оммавий ахборот воситасида эълон қилинган, ҳақиқатга мос келмайдиган ҳамда ўзининг шаъни ва қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсини таҳқирловчи маълумотлар учун раддия беришни таҳририятдан талаб қилишга ҳақлидир.

Эълон қилинган материал туфайли ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган юридик ва жисмоний шахслар мазкур оммавий ахборот воситасида раддия ёки жавобни эълон қилишга ҳақлидир. Раддия ёки жавоб жавоб берилишига сабаб бўлган материал босилган айни ўша саҳифада махсус рукн остида эълон қилиниши керак.

Раддия ёки жавоб газеталарда улар олинган кундан эътиборан бир ой ичида, бошқа даврий нашрларда навбатдаги сонда эълон қилиниши шарт.

Теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар ва оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа элек-

Қирқиш чизиғи

бевосита таҳририят томонидан, шунингдек белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахслар томонидан шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

Босма оммавий ахборот воситалари маҳсулотини тарқатиш уларга обуна ташкил этиш, шунингдек чакана савдо тармоғи орқали амалга оширилади. Рўйхатдан ўтказилган даврий босма нашрлар ададини чакана савдо орқали, шу жумладан қўлда сотиш нашрлар таҳририятларининг штатдаги тарқатувчилари томонидан ёки савдо тармоғига эга бўлган юридик шахслар, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Оммавий ахборот воситасининг ҳар бир алоҳида чиқарилишининг тарқатилишига бош муҳаррир унинг чиқарилиши учун рухсат берганидан кейингина йўл қўйилади.

Кўрсатув ва эшиттириш узлуксиз давом этганда оммавий ахборот воситаси маҳсулотининг тарқатилишига бош муҳаррир дастлабки рухсат берган пайтдан эътиборан ҳамда кўрсатув ва эшиттиришдаги танаффусга қадар йўл қўйилади.

27-модда. Даврий босма нашрнинг электрон шакли

Даврий босма нашрнинг электрон шакли даврий босма нашрни тарқатиш усулларидан биридир.

Тегишли даврий босма нашрнинг босма ва электрон шаклларининг мазмуни айнан бир хил бўлган ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилган тақдирда, даврий босма нашр таҳририяти даврий босма нашрнинг электрон шаклини мустақил оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтказмасдан тарқатишга ҳақлидир.

Даврий босма нашрнинг босма шаклида мавжуд

Буклаш чизиғи

9-модда. Таъсис ҳужжатлари

Оммавий ахборот воситасининг таъсис ҳужжатлари таъсис шартномаси ва оммавий ахборот воситаси таҳририятининг (бундан буён матнда таҳририят деб юритилади) уставидан (низомидан) ёки фақат таҳририятнинг уставидан (низомидан) иборатдир.

10-модда. Таъсис шартномаси

Таъсис шартномаси бир нечта муассис ўртасида тузилади.

Таъсис шартномасида қуйидагилар назарда тутилади:

муассисларнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва жойлашган ери (почта манзили);

таъсис этилаётган оммавий ахборот воситасининг тури, номи, тили, мақсади, ихтисослашуви ва даврийлиги;

таҳририятнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли;

таҳририятнинг устав фонди миқдори ва шакллантириш тартиби;

таҳририятни молиялаштириш манбалари;

муассисларнинг таҳририят фаолиятида иштирок этишга доир ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

таҳририятнинг бошқарув органларини шакллантириш тартиби;

фойдани тақсимлаш ва зарарларнинг ўрнини қоплаш тартиби;

оммавий ахборот воситаси чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тартиби;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар.

11-модда. Таҳририят устави (низоми)

Таҳририят қонун ҳужжатларига мувофиқ қабул қилинган ва муассис томонидан тасдиқланган устав (низом) асосида фаолият кўрсатади.

Таҳририят уставида (низомида) қуйидагилар бел-

Қирқиш чизиғи

7-модда. Цензурага йўл қўйилмаслиги

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини цензура қилишга йўл қўйилмайди. Эълон қилинаётган хабарлар ва материаллар олдиндан келишиб олинишини, шунингдек уларнинг матни ўзгартирилишини ёки бутунлай нашрдан олиб қолинишини (эфирга берилмаслигини) талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

2-боб. Оммавий ахборот воситалари фаолиятини ташкил этиш

8-модда. Оммавий ахборот воситасини таъсис этиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Оммавий ахборот воситаси бир нечта муассис томонидан ҳам таъсис этилиши мумкин.

Қуйидагилар оммавий ахборот воситасининг муассиси (бундан буён матнда муассис деб юритилади) бўлиши мумкин эмас:

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс;

қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган ёхуд суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс;

фаолияти қонун билан тақиқланган нодавлат нотижорат ташкилоти.

Устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши ўттиз ва ундан ортиқ фоизни ташкил этган юридик шахслар томонидан оммавий ахборот воситалари таъсис этилишига йўл қўйилмайди.

Буклаш чизиғи

бўлган реклама хабарларининг электрон шаклдан олиб ташланиши ва (ёки) бутунлай ёки қисман алмаштирилиши, шунингдек электрон шаклда ифодаланган материаллар ҳажмининг босма шаклидагига нисбатан қисқартирилиши мазмуннинг айнан бир хиллиги бузилиши деб қаралмайди.

Даврий босма нашр таҳририяти даврий босма нашрнинг электрон шакли тарқатилиши тўғрисида рўйхатдан ўтказувчи органни ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

28-модда. Даврий босма нашрларга иловалар

Даврий босма нашрлар иловалар билан чиқарилиши мумкин. Иловалар қайси даврий нашрга таалуқли бўлса, уларда ўша асосий даврий босма нашрнинг номи кўрсатилиши керак.

Даврий босма нашрнинг алоҳида номга эга бўлган иловаларига мустақил оммавий ахборот воситаси сифатида қаралади ва улар умумий асосларда рўйхатдан ўтказилиши керак.

29-модда. Назорат нусхалари ва мажбурий нусхалар

Даврий босма нашрларнинг назорат нусхалари таҳририятга, муассисга ва рўйхатдан ўтказувчи органга бепул юборилади.

Даврий босма нашрларнинг мажбурий нусхалари юбориладиган муассасалар ва ташкилотларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

30-модда. Оммавий ахборот воситалари бозорини монополлаштиришга йўл қўйилмаслиги

Оммавий ахборот воситалари бозорини монополлаштиришга йўл қўйилмайди.

Биронта ҳам юридик ёки жисмоний шахс оммавий

Ризқ-рўз яратувчилар

Оққўрғон туманидаги "Нишонбой-Қибчоқ" фермер хўжалигида қишки юмушлар оби-тобида олиб борилмоқда. Хусусан, мавжуд 18,5 гектар майдондаги ғаллазор сифатли парваришланмоқда.

Айтиш жоизки, ҳозиргача майсалар 2 марта кимёвий ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирилгани бўлиқ ҳосилга замин яратмоқда.

— Бултур ҳам шунча майдонда ғалла етиштиргандик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Дусенбой Абдужабборов. — Гектар ҳисобига ҳосилдорлик 53 центнерга етди. Насиб қилса бу йил бундан-да мўл ҳосил етиштирамиз.



СУРАТДА: "Нишонбой-Қибчоқ" фермер хўжалиги раҳбари Д. Абдужабборов ўз даласида.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

САРҲИСОБ ВА РЕЖА

Шу билан бирга, йиғилишда солиқ турлари бўйича айрим прогноз кўрсаткичлари ҳамда боқиманда ва ортиқча тўловларни кескин камайтириш юзасидан жойлардаги мавжуд камчиликлар танқид қилинди. Бу борада, **айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Наманган, Бухоро, Фарғона, Сурхондарё, Андижон, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари** солиқ органлари томонидан белгиланган вазифаларни амалга оширишда сусткашликка йўл қўйилганлиги уқтирилди.

Ҳайъат йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ-100-сонли Қарори ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳамда ҳукуматимизнинг 2007 йил 11 январдаги «Электр энергияси истеъмолини барқарорлаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 12-сонли қарори ижроси борасидаги масалалар ҳам муҳокама қилинди. Мазкур йўналишдаги вазифаларни бажаришда **Андижон, Наманган, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида** ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги кўрсатиб ўтилди. Шу боис уларни бартараф этишга қаратилган кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Айни чоғда йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 4 августдаги «Солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатиш ва давлат солиқ хизмати органларининг ахборот тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 157-сонли қарори ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Ва ушбу йўналишда **Наманган, Сурхондарё, Андижон, Жиззах, Самарқанд вилоятлари** солиқ идоралари томонидан дастурий ҳужжатларни ҳаётга тўла татбиқ этишда айрим камчиликларга йўл қўйилгани қайд этилди.

Муҳокамалар натижасида бюджет даромади бўйича асосий солиқ турларидан белгиланган прогноз кўрсаткичларининг тўлиқ бажарилишини таъминламаган, шунингдек, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга бўлган боқимандаларни қисқартиришда йўл қўйилган жиддий хато ва камчиликлари учун иккита туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, давлат солиқ органлари раҳбарларининг 7 нафарига нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари қўлланилди, **12** нафарининг масъулияти эса 2007 йилнинг биринчи чораги якунида кўриб чиқилиши белгиланди.

Ҳайъат йиғилишида белгиланган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишига қаратилган қарорлар қабул қилинди.

ДСҚ Ахборот хизмати.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Саддам Ҳусайннинг ўгай укаси Барзан Иброҳим Тикритий ва Ироқнинг собиқ олий судьяси Авад Бандар қатл этилди. Улар Ироқнинг собиқ президенти билан биргаликда суд қилинганди. Суд жараёнида икки маҳбус ҳам 1982 йилда 148 нафар фуқаронинг ўлимига сабабчи бўлганини тан олди. Ўшанда Дужаил қишлоғида Саддамга суиқасд уюштирилгандан сўнг аҳоли оммавий қирғин қилинганди. Ҳукм ижро этилишидан олдинроқ БМТ янги Бош котиби Пан Ги Мун Ироқ ҳукуматига мурожаат қилиб, маҳбусларни қатл этмасликка чақирди.

Александр Лукашенко Беларусь Россия таркибига кирмаслигини билдирди. У Беларусь давлатини ташкил этишда расмий Москва ва Минскнинг қарашлари бир-бирига тўғри келмаслигини таъкидлади. Лукашенко мамлакатнинг биринчи президенти сифатида мамлакат мустақиллиги йўқотилишига йўл қўймаслигини маълум қилди.

Непалда маоchи исёнчилар гуруҳи 10 йилдан буён қирол ҳокимиятига қарши кураш олиб боришмоқда. Кеча улар мамлакат парламентига ўз вакилини тавсия қилди. Ўтган йили қирол Гьянендра ўзининг ваколатларини қисқартиргандан сўнг томонлар тинчлик келишувига эришгандилар. Ҳозирда Непал парламенти вақтинча конституция лойиҳасини қўллаб-қувватлаши кутилаяпти. Унда мамлакат ижро ҳокимиятини қирол эмас, бош вазир бошқариши кўрсатиб ўтилган.

Европанинг бир қатор давлатларида ҳали ҳам кучли довул давом этмоқда. Кучли шамол туфайли Швецияда темир йўл қатнови вақтинча тўхтатилди. Сўнгги маълумотларга қараганда, қаттиқ шамол икки кишининг ўлимига сабаб бўлди. Ҳукумат аҳолини уйдан чиқмасликка чақирмоқда. Ҳозирда мамлакатда 100 мингдан ортиқ уйлар электр таъминотидан узилиб қолди.

Қирғизистон президенти мамлакатнинг янги конституциясини тасдиқлади. Янги таҳрирдаги конституция лойиҳаси ўтган йил 30 декабрь куни парламент томонидан қабул қилинганди. Қирғизистон асосий қонунига кўра, президентнинг ваколатлари кенгайтирилди. Эндиликда давлат раҳбари вилоят губернаторлари ва туман раҳбарлари, шунингдек, мамлакат ҳуқуқ-тартибот органлари бошлиқларини ҳам ўзи тайинлайди.

Мисрда «Ал-Жазира» телеканали журналисти қамоққа олинди. Хувайдо Таха Метвалли эфирга узатилган видеокадрларни сохталаштирганликда айбланмоқда. Журналист Қатарга учишга тайёрланаётганда, аэропортда қўлга олинган. Мамлакат ташқи ишлар вазирлиги вакилининг сўзларига кўра, унинг сумкасидан 50 та кассета топилган. Хувайдо мамлакат обрўсига ва манфаатларига путур етказганликда айбланмоқда.

Франция ички ишлар вазири Николя Саркози президентлик учун ўз номзодини илгари суришини расман маълум қилди. У «Халқ ҳаракати учун иттифоқ» номидан сайловолди кампанияларда кураш олиб боради. Партия аъзолари ўртасида ўтказилган сайловда унинг номзодини 98,1 фоиз киши қўллаб-қувватлади. Мамлакатда президентлик сайловлари жорий йил 22 апрель куни ўтказилади.

Маҳмуд Аббос вақтинчалик чегара ҳудудларини аниқлаб, Фаластин давлатини ташкил қилиш таклифини рад этди. У АҚШ Давлат котиби билан учрашгандан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида вақтинчалик қабул қилинадиган ҳар қандай қарорни инкор этишини билдирди. Кондолиза Райс билан Маҳмуд Аббос Яқин Шарқдаги зиддиятни ҳал этиш юзасидан музокараларни қайта тиклаш масаласида фикр алмашди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ПУБЛИЦИСТИКА

Мел Гибсон ижро этган «Ватанпарвар» фильми қаҳрамонининг боши ойболта билан танасидан жудо қилингач, рафиқаси совғаси оқ рўмолча унинг бармоқлари орасидан сирғалиб пастга оҳиста-оҳиста туша бошлайди. «Озодлик...» деган ҳайқириғу ана ўша қон доғлари теккан рўмолчанинг солланиб-солланиб пастга учиб тушиши одамнинг юрагини титратиб юборади. Вужуд жунбушга келади. Томоққа нимадир тиқилиб қолади. Ўзингиз сезмаган, билмаган ҳолда кўзларингизда ёш томчилари пайдо бўлади. Ҳолбуки, денгизлар қуршовидаги Шотландия аталмиш юрт қирғоқлари ўзбек заминидан минглаб чақирим нарида жойлашган.

ЭР ЙИГИТНИНГ ҚАСАМИ

Олтмишинчи йилларнинг бошларида «Тоҳир ва Зуҳра» дея аталган бир гўзал асар яратилган эди. Ўттиз йилларнинг нари-берисида «Ўтган кунлар» дея аталган гўзал бир қўшиқ битилган эди.

Бир томошабин сифатида ўзбек киночиларига гинамиз бор. Ишқ керак. Севги сувдай зарур. Ўша нафис мавзулар, ўша нафис мажлислар тасвирига томошабинда тузуккина эҳтиёж бор. Бироқ...

Мўғулларга асир тушмаслик учун, уларга қул бўлмаслик учун Жалолиддин Мангуберди аввал оила аъзоларини, яқинларини сувга чўктиради. Сўнгра ўзи пишқириб оқаётган бўтана сувга оти билан ташланади. От жонивор қай аҳволга тушган экан? Эҳтимол, кишнаб юборгандир. Эҳтимол, эгардаги эгасининг дардларини тушунмагандир? Отнинг кўзлари кўз косасидан чиқиб кетгудек бўлгандир? Отнинг тишлари сулуғларни тишлайвериб тўкилиб кетгандир.

Ҳаяжонлар керак. Титроқ дудоқлару қайноқ сўзлар жудаям зарур. Аммо булардан минг қадар юксак турадиган шундай туйғулар борки...

Бизда ёш йигитларни Армия сафига кузатиш маросимини жуда нўноқлик билан тасвирлашади. Мана бундай бўлади: Саф. Командир сўзга чиқади. Мусиқа янграйди. Сўнгра юриб кетаётган аскарларнинг тасвири берилади. Ҳаётда бундай эмас-да, ахир! Юзига асал суртиб қўйсанг ҳам, қўнгилда таъми билинмайдиган бу тасвирлар одамларга нима беради? Нега ҳарбий комиссариат жойлашган бино атрофидаги кўчалар суратга туширилмайди. Ахир аскарликка номзод йигитнинг ота-онаси, тоға аталмиш, амма аталмиш, амакию жигар аталмиш яқинлари ўша ҳарбий комиссариат жойлашган бино яқинидаги майдонларга тонгдан бориб олишади-ку! Ўтўлану ажриқ устига, йўлаклару йўл четларига гиламлар тўшалади. Шолчалар ёзилади. Дастурхонга патир нонлар қўйилади. Узумлар, ёнғоқлар, майизлар ўша дастурхонни безаб туради. Аскарликка номзод йигитнинг неки жигари бор, барининг кўзида ҳаяжон йилтирайди. Аскар йигитнинг уйида бир чети тишланган нон қолади. Ўша йигитнинг юзларига сепкил тушган ё тушмаган маҳбубаси кузатиш маросимига ё келади ё келмайди. Келгудек бўлса сал яқин, сал наридаги бекатда туради. Ўша бекатга, қанча автобус келиб кетмасин, қизгина уларнинг биронтасига чиқмайди. Шаҳло кўзлари олазарак бўлади. Шаҳло кўзлари ҳарбий комиссариат биноси ичида юзлаб аскарлар ичидан ўзи билган, ўзи суйган чеҳрани қидиради.

Оналарнинг рўмол учлари ҳўл бўлиб кетади. Кўйлак енглари нам бўлиб кетади. Мана шу манзараларни суратга олиш керак. Ана шуларни тасвирлаш керак.

Ўзбекнинг кўнглига мана шунақанги оддий, жўн нарсалар яқин туради. Аскарликка номзод йигитнинг маҳбубаси фақат бекатда тураверадими, дея кимдир бизнинг гапимизга ишонмаслиги мумкин. Уларнинг кўнглига таскин бериш учун мана бундай дея ёзиб қўя қолайлик. Юзларида ё сепкил бўлган ё сепкили бўлмаган маҳбубалар бўлажак аскар йигитнинг синглисига дугона бўлиб пайдар-пай даврага чой ташийди. Опасига сингил бўлиб дастурхондаги ушоқларни тергилайди. Пиёла ювади. Чой қайтаради.

Армия ҳақида ёзмоқчи эдик. Ана шу мавзудан бироз нарига ўтиб кетдик. Лекин адашганимиз йўқ. Армия нима дегани ўзи? У тартибдир. У мувозанатдир. Эл-юртнинг тинчлигидир у. Эҳтимол у чегарадир. Ҳаммаси бориб-бориб битта мазмунга, битта матлабга енг шимариб хизмат қилади. Бешикдаги болакайларнинг пишиллаб ухлаши. Лалмию сувлоқ жойларда ўсаётган жавдару буғдой ниҳолларининг бехавотир ўсиши. Мана армиянинг вазифаси. Армия билан юрт тушунчаси эт билан тирноқ. Уларни ўткир пичоқ билан ҳам кесиб ажратиб бўлмайди. Мўйноқдан йўлга чиққан мактуб Олтиариққа бориб эгасини топади. Тошкентдан қанот қоққан бир парча оқ қоғоз Термизга бориб қўлига дурбин тутиб турган йигитнинг кўксида ором олади.

Нега Жалолиддин Мангубердини тилга олдик. Унинг жасорати Мел Гибсон ижро этган шотланд қаҳрамонидан камми? Ойболта тушгач тана ҳеч нарсани сезмай қолади. Энди Жайхуннинг бўтана сувларини, лой ва қум аралаш кўпириб тошаётган ўркач-ўркач тўлқинларини тасаввур қилинг. Жалолиддин жилов тортади. От пишқиради. Жилов уни фақат дарёнинг нариги қирғоғига ундайди. Жалолиддиннинг барча жигарлари аллақачон сувга чўкиб кетишган. Фақат от билан отнинг эгаси қолган. Жониворнинг қулоқларига, бурунларига сув киради. Жонивор аччиқ-аччиқ кишнайди. Тишлари сулуғни узиб юбораман деб «қирс-қирс» синади. Отнинг кўзлари даҳшатдан пиёладек бўлиб кетган.

Бу фильм нари борса уч қисмдан ошмаслиги керак. Мўғулларга қарши, ўша босқинчиларга қарши қилич яланғочлаган Жалолиддин ҳақидаги фильм биринчи синф ўқувчиларига қўйиб берилиши керак. Улар ана шу фильмни ўн йил давомида томоша қилишса, қандай яхши бўларди! Биринчи сентябрь ана шу асарнинг намойишига бағишланиши зарур.

Фильм ўн йил мобайнида ҳар сентябрь олдидан намойиш этилаверади. Болалар англаб боришаверади. Уларда энтикишлар пайдо бўлади. Болалар йиғлашади. Болалар ҳўл бўлган рўмолчаларини қизалоқлардан уялишиб партанинг остига яширишади. Ахир мўйловлари сабза урган ўспиринлар ўзларига йиғини эп кўришмайди-да!

Кейин кўз ёшлари артилган рўмолчаларни парта остига яширган ўспиринлар армия сафига чақирилади. Кейин улар шу юртга, шу заминга, Юртбошига содиқлик ҳақида қасам ичишади. Кейин замин узра қиқирлаб кулган қизғалдоқлару лолалар шамолда беҳадик тебраниб туришади. Бешикдаги чақалоқлар оромини фақат ўйноқи шаббодалар бузиши мумкин. Кейин Зомин тоғларидаги булоққа сув ичиш учун энган какликнинг оромини она-бола кийикнинг туёқлари турткилаб юборган тошнинг овози бузади... Кейин...

Аликул ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Савоб

Болажон, сен кулсанг, олам кулади!

Юртимизда Ижтимоий ҳимоя йилининг илк кунлариданоқ қўмакка муҳтож инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш ўз ифодасини топа бошлади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши ҳамкорликда пойтахтимиздаги шифо масканларида даволанаётган болалар ҳолидан хабар олишди.

Кириб келган янги йилни тақдир тақозоси билан ўз уйида эмас, шифохонада кутиб олган жажжи болажонларга байрам совғалари улашилди.

Тадбир ташкилотчилари Юнусобод, Сирғали, Шайхонтоҳур туманларидаги ногирон болаларни реабилитация қилиш интеграция клублари, Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли болалар руҳий касалликлари шифохонаси, Тошкент шаҳар болалар сил касалликлари шифохонаси, Республика болалар ортопедия маркази, Республика онкология илмий маркази каби шифо масканларида бўлдилар. Шифохонадаги болаларга пойтахтимиз театрларидаги саҳна асарлари, цирк томошалари, Митрофанов номли спортсоғломлаштириш мажмуининг янги йил байрами тадбирлари учун бепул чипталар тарқатилди.

— Бизнинг республика болалар суяк сили санаторийсида 150 нафар бола ота-она бағридан узоқда, бир неча ой мобайнида даволанади, — дейди сиҳатгоҳ бош шифокори З.Хожимуҳамедова. — Бемор болалар ҳолидан хабар олиш улар кайфиятини кўтаради. Бу эса, ўз навбатида, муолажа жараёнига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши аниқ. Яхши кунларда болажонларимиз эътибордан четда қолмаганидан хурсандмиз.

Шунингдек, мазкур тадбир доирасида ташкилотчилар томонидан Собир Раҳимов туманида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига байрам совғалари топширилди.

Муборак ОХУНОВА, "Халқ сўзи" мухбири.

Хотира

Ҳаёт шундайин мураккаб ва англаш мушкул бир ҳилқат экан. Унинг имтиҳонлари кўп, изоҳлаш мушкул бўлган тасодифлари бўлар экан. Ана шу ҳаётда кимлардан таҳсил олдинг, кимлар билан бирга ишладинг, уларнинг шахсий фазилатларидан нима ўргандинг, доно ўгитлари, панду насиҳатлари ёдингда муҳрланиб қолдими? Афсус, буларни улар ўтгандан кейин дардли бир ўкинч, аламли армонлар билан эътироф этар, азиз руҳи покларига таъзим бажо қилар экансан. Ғафур Ғулом, Ҳоди Зариф, Порсохон Шамсиев, Раҳмат Мажидий, Абдуқодир Ҳайитметов каби ғўзал инсонлар, таниқли олимлар билан узоқ йиллар ҳамнафас бўлдик. Нега уларнинг билимларидан, суҳбатларидаги доноликларидан кўпроқ баҳраманд бўла билмадик?

МАЖИДИЙНИНГ АРМОНИ

Раҳмат Мажидий қатағон йиллар қурбони бўлиб, узоқ вақт Ватанидан йироқда ҳибс азобларини тортган инсон. Лекин бу ҳақда бирор марта ўзи оғиз очиб, бирор тафсилотни тилга олмас эди. Бир кун хонада ўйга чўмиб ўтирганида, «Домлажон, ўша машъум йилларда сизга кўпроқ нима азоб берарди?» деб сўрагандим юрақ ютиб.

— Қизларимни кўп соғинардим. Гулчеҳрахоним соғлиғи тинимсиз машаққатлар чекаётганига бардош бериши қийин эди...

Домланинг аёли Гулчеҳра опа тиббиёт институтидан чиқариб юборилгач, рус тилидан дарс бераркан. Ниҳоятда дилбар, меҳрибон ва сариштa бу аёл уч нафар қизи — Ойдин, Ширин ва Бўстонларни оқ ювиб, оқ тараган, илм берган. Қатағон қилинганларнинг оиласи шаҳардан 50 км. ташқарида яшаши керак деган буйруққа кўра саргардонлик, моддий етишмовчиликларни енга билган.

Раҳмат Мажидий 1906 йили кўҳна Хоразм Хивасида дунёга келган. Турли йилларда Тошкент, Самарқанд ва Москва шаҳарларида таҳсил олган. Боғот тумани ва Самарқандда ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1934 йили Москвада ёзувчиларнинг биринчи съездида Максим Горький маъруза қилганда Мажидий унга қўшимча маърузачи бўлган. Сўнгра анча муддат у ерда фаолият кўрсатган. 1940 йилдагина Москвада Усмон Юсупов билан учрашиб, Ватанга қайтиш истагини билдирган. Тошкентга келгандан сўнг Ўз РФА Тарих, тил ва адабиёт институтида илмий ходимликдан иш бошлаган. Бироқ 1941 йилнинг 18 декабрида ҳибсга олинади ва шу кетганча 1949 йил 22 декабрда озодликка чиқади. Орадан кўп ўтмай 1950 йил 22 июнда яна ҳибсга олинади. Фақат Сталин вафотидан кейингина оиласига қайтади.

* * *

Раҳмат Мажидий кенг қамровли олимлар тоифасидан эди. Сургундан қайтиб институтнинг мумтоз адабиёт бўлимида Хоразм адабий мактабида юзага келган асарлар матни устида иш олиб борди. «Ўзбек адабиёти хрестоматияси» учун Мунис, Огаҳий, Хоразмий, Феруз, Аваз ва бошқа шоирлар шеърларини тайёрлаб берди.

Огаҳийнинг «Таъвиз улошиқин» номли девонини Хуршид домла (Шамсуддин Шарафуддинов) нашрга тайёрлаган, Мажидий домла муҳаррирлик қилган ҳамда муфассал сўзбоши ўрнида «Муҳаммад Ризо Огаҳий» деб номланган мақола ёзиб берган эди. Унинг номзодлик иши ҳам биринчи мухокамадаёқ ҳимояга тавсия этилган. 5 жилдли «Ўзбек адабиёти тарихи» китобини яратиш ва унинг муаллифларини танлашда ҳам олимнинг хизматлари катта. Шунингдек, у Навоийнинг 15 жилдлиги ва рус тилидаги 10 жилдлигининг тайёрланишида фаол иштирок этган. Навоийнинг 525 йиллик юбилейи олдидан шоир номидаги Адабиёт музейига ишга ўтган олим юбилей тадбирларидаги намунали хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони билан тақдирланди. Умр йўлларида қисматнинг оғир азобларини бошдан кечириб қайтган инсон шу даражага эришиши учун қанчалик ирода соҳиби бўлганлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Бугун ҳамкасблар ва шогирдлар унинг хотирасини ҳурмат билан ёдга оладилар. Огаҳийнинг шоир, маърифатпарвар хон Феруз Муҳаммад Раҳимхон таърифидаги:

Шараф авжининг меҳри зоти онинг,
Қуёшдин ёруқроқ сифоти онинг

мисралари Раҳмат Мажидийга ҳам бевосита тааллуқлидир.

Суйима ҒАНИЕВА.

Тошкент вилояти хўжалик судининг қарорига асосан банкрот-корхона —

«ЧИРЧИҚСУТ» ОАЖнинг

тугатиш ишлари 2007 йил 28 февралгача узайтирилди.

Қайтадан ўтказиладиган савдоларга оммавий оферта орқали банкрот-корхона — «Чирчиқсут» ОАЖнинг Чирчиқ шаҳри, Бобур шоҳкўчасида жойлашган мол-мулклари мажмуаси қўйилади.

Савдолардаги объектларнинг минимал баҳоси — 400 000 000 (тўрт юз миллион) сўм.

Банкрот-корхона — «Чирчиқсут» ОАЖнинг мол-мулклари мажмуаси савдоларга ягона ЛОТда қўйилади.

Савдоларда қатнашиш учун объект минимал баҳосининг 5 фоизи миқдоридаги закалат пулини «Чирчиқсут» ОАЖнинг «Халқ банки» Чирчиқ шаҳридаги қўйидаги ҳисоб рақамига ўтказиш лозим: 20210000800128591006, МФО 00781, ИНН 200946479, тўлов мақсади — «Чирчиқсут» ОАЖнинг мол-мулклари мажмуасини сотиш бўйича ўтказиладиган савдоларда иштирок этиш учун закалат пули.

Агар савдолар натижаларига кўра талабгор савдолар ғолиби деб топилиб, у билан объектнинг олди-сотди шартномаси имзоланса, закалат пули шартнома бўйича ўзаро ҳисоб-китобларга киритилади.

Агар савдолар натижаларига кўра талабгор савдолар ғолиби деб топилиб, у объектнинг олди-сотди шартномасини имзолашдан бош тортса, закалат пули қайтарилмай ушлаб қолинади.

Агар савдолар натижаларига кўра талабгор савдолар ғолиби деб топилмаса, у ҳолда закалат пули талабгорга 10 кун муддат ичида қайтариб берилади.

Объектни сотиб олиш баҳоси бўйича таклифларни юридик шахслар раҳбар ва бош ҳисобчининг имзоси ва муҳр билан, жисмоний шахслар имзо, паспорт нусхаси ва СТИРни кўрсатиб, шунингдек, тўлов топшириқномаси ёки закалат пули тўланганлиги ҳақидаги квитанцияни муҳрланган конвертларда қуйидаги манзилга юборишлари лозим: **100011, Тошкент шаҳри, З.У.Шараповга, талаб қилиб олингунча.**

Конвертлар комиссия томонидан 2007 йил 9 февраль куни соат 11.00 да «Ўзгўштсутсаноат» ДАУнинг қуйидаги манзилида жойлашган маъмурий биносида очилади: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 97-«А» уй (Мўлжал — Митрофанов номидаги сув спорти саройи).

Олди-сотди шартномалари объектларга энг юқори баҳони таклиф этган шахслар билан тузилади.

Объектлар ҳақидаги тўлиқ маълумотни қуйидаги телефонлар орқали олиш мумкин: 184-87-88, 172-55-86.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 ноябрдаги 542-сонли қарорига асосан

«ЎЗБЕКТЎҚИМАШ» ИЧБ ТУГАТИШ БОШҚАРУВИ

бирлашмада мавжуд бўлган мўқаддам ишлатилган, фойдаланишга яроқли ҳар хил ҳажмдаги металл конструкциялар, металл прокатлар:

- двутаврлар: 18 мм., 20 мм., 22 мм., 24 мм., 27 мм., 30 мм., 36 мм., 40 мм.;
- швеллерлар: 18 мм., 20 мм., 22 мм., 24 мм., 27 мм., 30 мм., 36 мм., 40 мм.

Шунингдек, таъминот бўлимидаги тайёр маҳсулотлар, хомашё ва кимё омборлари қолдиқлари, мўқаддам фойдаланилган турли хил мебель, темирдан ишланган жиҳозлар ҳамда ип-йигирув ва тўқув дастгоҳлари эҳтиёт қисмлари, тормоз барабанлари, электр эҳтиёт қисмлари, декоратив панжаралар, химикатлар, вентиллар, флянцлар, подшипниклар, стол-стул ва бошқа турдаги мол-мулкларнинг сотилаётганлигини эълон қилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 53-«Б» уй, «Ўзбектўқимаш» ИЧБ Тугатиш бошқаруви. Телефонлар: 362-46-11, 363-50-94. Мўлжал — «Аския» бозори рўпараси.

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD

Vinlad — Сделаем жизнь спокойнее!

RUBEZH ADI International

Вид деятельности - проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.

НАДЕЖНАЯ ОХРАННО-ПОЖАРНАЯ СИГНАЛИЗАЦИЯ



Охранно-пожарная контрольная панель управления (пр-ва России) - 8-40 зон: от 108.000 сум.

Датчики дымовые оптико-электронные (пр-ва России): от 10.000 сум.

ЕВРОПЕЙСКОЕ КАЧЕСТВО, ПРОВЕРЕННОЕ ВРЕМЕНЕМ

По цене от 11.000 сум. за датчик Is215 и 150.000 сум. за панель SYS2316

пр. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web site:www.vinlad.com

ISO 9001: 2000

Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

Дунёнинг хазинаси



Тарих фанлари доктори, шарқшунос олим, Ўз РФА Шарқшунослик институти Шарқ қўлёзмалари фонди мудири ***Маҳмуд ҲАСАНИЙ****нинг номи ҳамкасблари орасида ҳурмат билан тилга олинишидан ташқари, бошқа соҳа кишиларига ҳам яхши маълум. Чунки Сайид Одина Эшоннинг «Мифтоҳ ул-асрор» («Сирлар калити»), Боситхон Шошийнинг «Қонуни Боситий», Мирзо Улуғбекнинг «Улуси арбаъ» (Б.Аҳмедов билан биргаликда) асарлари унинг таржимасида ўзбек китобхони жавонидан жой олди. Шунингдек ўзи ёзган «Хожа Аҳрор Валийнинг қўлёзма асарлари», «Хазинадаги ўйлар», «Минг бир тиббий ҳикмат» каби қатор китоблари ҳам диққатга сазовор. Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.*

«ТИБ ҚОНУНЛАРИ»НИНГ АСАКА НУСХАСИ

Олим ҳамиша ўзи бошқараётган фондда иш билан банд. Зарурат туғилиб излаб борган ёхуд қўнғироқ қилган одамларни китоблардан аранг бош кўтариб қаршилайди. Шу ҳолатда у асрлар бағридаги нурни келажакка олиб ўтаётган фидойи инсонни эслатади. Бир сўз билан айтганда, меҳнатдан бошқани билмайдиганлар тоифасидан. Кўксида «Меҳнат шуҳрати» ордени.

Суҳбатларимиздан бирида у киши бир қўлёзма ҳақида гапираётиб «Тиб қонунлари»нинг Асака нусхаси деган иборани ишлатди. Табиийки, бу бизда қизиқиш уйғотди.

иш кўрамиз, деган сўзни ҳам илова қилган эдилар.

Мана шу сўзларига биноан мен хат ёзувчи шахсан муфтий жаноблари ҳузурларида бўлиб, жанобингиз билан бўлган мусоҳабамизни ва айтган сўзларини бит-тафсил баён қилганимда Зиёвуддин қори жаноблари сизнинг ис-

— Қомусий олим сифатида ўз давридаги фанларнинг деярли ҳаммаси билан муваффақиятли шуғулланган ва уларга оид нодир асарлар яратган Абу Али ибн Синонинг машҳур «Тиб қонунлари»нинг нусхасими?

— Албатта-да. Ибн Синонинг буюк даҳолиги ва фаннинг турли соҳалари бўйича ёзган китоблари ҳамон жаҳон илм аҳлини тўлқинлантириб келмоқда. Айниқса, унинг табобатга оид «Ал-Қонун фи-т-тибб» («Тиб қонунлари») асари фақат Шарқда эмас, балки Ғарбда ҳам табобат фанини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Кўп асрлар давомида Оврупо халқларининг тиб бўйича асосий қўлланмаси бўлиб келди. Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик тўйида ҳам Ибн Синонинг номи дунё олимлари қаторида эътибор билан тилга олинди.

Ибн Сино етук файласуф олим бўлса-да, «Тиб қонунлари» уни дунёга табиб сифатида танитди. Мазкур асар ҳали муаллифи ҳаёт пайтлариданоқ олимлар томонидан ўрганила бошланган. Кейинчалик унга шарҳлар ёзилган, қисқартиришлар қилиниб, унинг асосида қўлланмалар тузилган. Ибн Синодан кейин ёзилган барча тиббий асарларда «Қонун»дан фойдаланилганлигини кўриш мумкин. Асар Оврупо тилларига ҳам таржима қилинган. 1595 йилда унинг лотин тилига ўгирилгани тарихдан маълум.

— Ўзбекистонда «Қонун»ни ўзбек ва рус тилларига ағдариш қачондан бошланган эди?

— 1950 йиллардан кейин. 1961 йилда «Қонун»нинг 5 та китоби (олти жилдли) тўлиқ нашрдан чиқди. Таржима асосан Санкт-Петербургдаги Шарқшунослик институтида сақланаётган ва XII асрга таалуқли бўлган қўлёзмага таянган ҳолда амалга оширилган. Ёрдамчи нусхалар сифатида Қоҳирада (1877 й.) ва Римда (1593 й.) нашр этилган нусхалардан фойдаланилган. Ўша пайтда Ўзбекистонда «Қонун»нинг қадимий нусхаси йўқ эди.

— Асака нусхаси, деганингиздан маълумки, ушбу қўлёзма Асакадан топилган. Қизиқ, қандай қилиб у ерга бориб қолган экан?

— Асли Ҳиндистонда сақланиб, кўплаб талатўпларни бошдан кечирган қўлёзма Андижон томонларга қандай келиб қолганлиги ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Мен бу нодир хазинанинг топилишидан хабардорман. 1959 йили Ўз РФА Шарқшунослик институтининг илмий ходимлари А.Жувонмардиев билан Т.Солиев одамларнинг уйларида сақланаётган қадимий қўлёзмаларни сотиб олиш мақсадида Андижон вилоятига борадилар. Улар Марҳамат туманида менинг қиблагоҳим Маҳдум Восилий (Ҳасанхон Маҳдум Мулла Муҳаммад Иброҳим ўғли) билан учрашиб, шахсий кутубхонасидаги қўлёзмалар билан танишадилар. Уларни бу ердаги «Суроҳ ал-луғот» асарининг қадимий нусхаси қизиқтириб қолади. Сўнгра бу икки олим Асака шаҳрига бориб, бир қанча аҳли илмлар, хусусан Жоме масжидининг имом-хатиби Абдукарим Охуннинг суҳбатида бўладилар. Имом-хатиб уларга Асакада бир одамнинг қўлида «Тиб қонунлари»нинг қадимий қўлёзмаси сақланаётгани ҳақида хабар беради. Олимлар мазкур нусхани кўришга ёрдам беришини илтимос қилишганда Абдукарим Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идорасининг муфтийси Зиёвуддин ибн Бобохондан рухсат бўлгандагина кўриш ёхуд сотиб олиш мумкинлигини билдиради.

Бу хабар етиб келгач, институт директори Сабоҳат Азимжонова, табобат тарихи бўйича йирик мутахассис Убайдулла Каримов ва фонд бошлиғи Қувомиддин Мунировлар, қандай қилиб бўлмасин, Асакадаги нусханинг институт фондига тушиши учун ҳаракат қиладилар. А.Жувонмардиев билан А.Солиев Зиёвуддин ибн Бобохондан розилик хатини олиб, яна Асакага жўнайдилар. Бахтга қарши имом Абдукарим Охун Тошкентга кетган экан. А.Жувонмардиев унга қуйидагича мазмунда хат ёзиб қолдиради:

«Асака Жоме масжиди имом-хатиби, муҳтарам мулла Абдукарим Абдуқаюм ўғли жанобларига!

Хотирларида бўлса керак, шу йил 10-11 июнда Тошкентдан Фанлар академиясининг илмий ходимларидан икки киши жанобларининг зиёратларида бўлган эдик. Сиз жаноблари билан қилган мусоҳабамизда Ўрта Осиёнинг буюк олими Абу Али ибн Синонинг вафотидан 60 йил кейин кўчирилган «Ал-Қонун фи-т-тибб» қўлёзма китоби бор эканлигини айтган эдилар. Биз бир кўришни илтимос қилганимизда китобни кўрсатувчи киши йўқ эканлигини, бунинг устига бу ҳақда муфтий жанобларига ёзамиз, у киши нима десалар, шунга қараб мингизга бир мактуб ёзиб бердилар. Биз у мактубни олиб, Асакага жанобларининг ҳузурларига келсак, бахтга қарши сиз Тошкентга кетиб қолган экансиз. Биз муфтий жанобларининг зиёратларида бўлиб, сизнинг исмингизга мактуб олганимизни муфтий жаноблари сизга айтган бўлсалар керак. Жанобларидан илтимос шуки, Асакада ҳозир бўладиган вақтларини бир руҳъа билан бизга ёзиб маълум қилсалар, биз келиб ўша китобни кўрар эдик. Шуни айтамизки, муфтий жаноблари сизга ёзган мактубларида бундан бошқа шу хилдаги китоблар бўлса, бизга кўрсатиш ва кераклиги бўлса, сотиб олишимизда ёрдам беришингизни тавсия қилганлар.

Сизга ҳурмат ва салом билан Абдулла Жувонмард ўғли.

1959 йил, 12 август».

Шу тариқа, институт олимлари саъй-ҳаракати билан қўлёзма институт фондидан жой олади. Асарнинг тарихи ва босиб ўтган йўли жуда қизиқ. Қўлёзма XVII асрда Ҳиндистонда бўлган. Унинг 259-бетида юмалоқ муҳр бўлиб, унга «Эътимодхон бандаи Шоҳжаҳон» (Эътимодхон Шоҳжаҳоннинг мулозими) сўзлари ёзилган. Демак, у Бобурийлардан бўлган подшоҳ Шоҳжаҳон мулозимларидан бирининг қўлида сақланган. Қўлёзманинг 1309 йилда кўчирилгани маълум бўлса-да, бироқ қаерда ва ким томонидан кўчирилгани қайд этилмаган.

Асар шарқона қоғозга йирик насх хатида, сарлавҳалар қизил, матн эса қора сиёҳда ёзилган. 289 варақдан иборат, ўлчови 28х42 см. Кўпгина тарихий воқеаларни бошидан кечиргани маълум: ҳар бир варақда сув текканлиги белгилари мавжуд, баъзи варақдаги сарлавҳаларни сув ювиб кетган. Охирги варағининг қуйи қисми ўқиб бўлмайдиган ҳолда. Қўлёзма «Қонун»нинг бешта китобини тўлиқ ўз ичига олган.

«Тиб қонунлари»нинг иккинчи нашрига ёзилган сўз бошида Асака нусхасининг кейинроқ топилгани ва «Қонун»нинг ўзбек ва рус тилларидаги таржималарида ундан фойдаланиш имконияти бўлмаганлиги қайд қилинган эди. Шунга қарамай, «Тиб қонунлари»нинг 1309 йилда кўчирилган нусхаси китобнинг жаҳондаги бошқа нусхалари қатори қадрли ва ноёб эканлиги билан илмий-тарихий қимматга эгадир.

«Халқ сўзи» мухбири Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.

ЭЛ ЭЪЗОЗИДАГИ САНЪАТКОР

Эҳтимол, оиладаги муҳит сабабчидир, балки кўнгил майлидир — болалигимдаёқ менда мусиқа санъатига, чолғу қуйларига, ашула ва қўшиқларга алоҳида бир қизиқиш пайдо бўлди. Энг севиб тинглайдиган ашулачиларимдан бири эса Коммуна Исмоилова эди. Ва шундай бўлиб келяпти.

Халқимиз бундай овоз соҳибларига: «Худонинг ўзи юқтирган» деб баҳо беради. Дарҳақиқат, Коммуна Исмоилова бахмалдай майин, нафис, дилларни аллаловчи, жон бахш этувчи, кишини сеҳрлаб қўювчи ўзгача бир овоз соҳибасидир. Ҳақиқий хонанданинг, ҳофизнинг овози ана шу алоҳидалиги, «Худо берган»лиги, кишини ўзига мафтун, маҳлиё этадиган бетакрор бир мусиқий жозиба кучи билан ажралиб туради.

Коммуна Исмоилова ўзининг кўнғироқдек тоза, беғубор, куйчан, оҳангдор овози билан болалигидаёқ энг машҳур санъаткорлар эътиборини ўзига қаратган эди. Мен муҳтарама санъаткор онахонимиз билан бир дил суҳбатимизни магнитофон тасмаларига ёзиб олганман. Бу нодир тасма Коммуна Исмоилованинг кўпгина ашула ва қўшиқлари битилган пластинкалар билан бир қаторда ҳозир мен ўзим мутасадди бўлган академик Юнус Ражабий уй-музейида сақланмоқда. Хуллас, мана шу суҳбат менга бу улуғ санъаткор аёл ҳақида жуда кўп маълумотларни очиб берди. Келинг, ана шу кўнгил эътирофларидан бир-икки лавҳани сиз ҳам эшитинг: масалан, у ҳали 7-8 ёшлардаги қизалоқ эканида Хоразмга Тамарахоним бир гуруҳ созанда ва хонандалар билан бирга гастролга келган экан. Ана ўшанда Тамарахоним «Лайли ва Мажнун» саҳна томошасида Лайли ролини ижро этибди. Лайли оромгоҳда дам оляпти. Коммуна-қизалоқ эса юзларига қоракуя суриб, қўлларига елпиғич тутиб, Лайлининг бошида «Ёр мустафо» деган ашулани қўнғироқдек овоз билан айтиб, уни елпиб турибди. Томоша тамом бўлгач, саҳнада ухлаб қолган қизалоқни олиб кетиш учун келган отасига Тамарахоним: «Бу қизингиз санъатга жуда ҳам қизиқар экан. Ҳали кўрасиз, бутун республикага донғи кетган артист бўлиб етишади у. Фақат қизиқишини сўндирманглар» дебди.

«Ўн беш ёшимда, — деб хотирлайди Коммунахон опа, — олти ойлик муаллимлик курсида ўқир эканман, битиришимиз арафасида айтган бир ашуламни Хоразмга ташриф этган Гавҳар Раҳимова эшитиб, овозимга маҳлиё бўлиб қолиб, «Биз билан Тошкентга кетасанми?» деб қолдилар. Мана шу таклиф ҳаётимни, тақдиримни ҳал қилди. Тошкентда ажойиб ижодий муҳитга тушдим, инсондаги хонандалик истеъдодини бир ноёб ҳодисадай қадрлайдиган устозлар назарида қадр топдим. Бу устозлар менда бор овозни камолотга етказишди, сайқал беришди. Ашула, қўшиқ, мақом ижроси — алоҳида санъат эканлигини шу ерда англадим. Ижро кўнгилдан чиқиши лозимлиги, ижро — нолалар, қочиримлар, нафис овоз товланишлари санъати эканлигини менга устозлар сабр-тоқат билан ўргатишди. Масалан, ҳозирги Ўзбекистон Телерадиокомпанияси қошидаги «Мақом» ансамблида ишлаганимда буюк ҳофиз ва бастакор, отадай азиз мураббий Юнус Ражабий ҳамда бастакор Фахриддин Содиқов, Зоҳиджон Обидов, Турғун Алиматов, Ғанижон Тошматов, Саиджон Калонов каби созанда-устозларга дуч келдим. Улар мени мусиқа санъатимиз, мақом, халқ ижрочилиги бойликлари оламига олиб кирдилар».

Дарҳақиқат, Коммуна Исмоилованинг ашулачилик санъати Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Ҳожи Абдулазиз, Домла Ҳалим Ибодов, Юнус Ражабий, Беркинбой Файзиев, Жўрахон Султонов, Ҳожихон Болтаев, Маъмуржон Узоқов, Орифхон Ҳотамов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Расулқори Мамадалиев каби устоз ҳофизларнинг ижрочилик мактабида шаклланди. У, шунингдек, Тамарахоним, Ҳалимахоним, Саодатхоним Қобулова, Назира Юсупова, Меҳри Абдуллаева, Эркиной Бекжонова, Фароғат Раҳматова, Назира Аҳмедова, Барно Исҳоқова, Зайнаб Полвонова, Берта Давидоваларнинг ижро санъатига қойил қолган, тан берган, уларнинг ижросидаги нозик, энг гўзал қочиримларни ўзлаштириб, ижросида фойдаланган ва ўзининг бетакрор ижро услубини ярата олган санъаткордир.

Коммунахоним уйғур, турк ва европа халқлари қўшиқ санъатининг энг ёрқин юлдузлари ижроларидан ҳам баҳраманд бўлганлиги шубҳасиз. Улуғ дарёлардан сув ичиб улғайган хонанданинг ўзлари ҳам ўзбек мусиқа санъатида, ашула ва қўшиқ ижрочилиги бўстонида ёрқин, забардаст бир намояндага айландилар. Бу улуғ санъаткорнинг овози қаерларда янграмади! У республикамиз вилоятлари ва туманларида куйлади, иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт марраларида бўлиб, ўзбек жангчиларига ўзининг гўзал қўшиқларини инъом этиб, уларнинг руҳига ва қалбига мадад берди. Коммунахоним кўпгина хорижий мамлакатларга ҳам бориб, миллий ижрочилик санъатимизнинг бетакрор жозибасини моҳирона кўрсатиб, олқишларга сазовор бўлди. Унинг ижрочилик бисотидан ўрин олган «Хуршиди жаҳон келди», «Тонг еллари», «Ноз этма», «Энг гуллаган ёшлик чоғимда», «Ўйланма», «Гулнора», «Менга навбат», «Бир гўзал», «Ассалом», «Эй чеҳраси тобоним», «Қашқарча Ушшоқ», «Эй, соҳиби дил», «Ўғлима ўхшайди овозинг сенинг» сингари бири-биридан гўзал, мафтункор, таъсирли қўшиқлари — ўзбек мусиқа ва қўшиқ ижрочилиги санъатининг бойлигидир.

Биз Коммуна Исмоилованинг айрим дурдона ашулаларини эсладик, холос. Аслида, унинг ижрочилик бисотида неча юзлаб бири-биридан эшитимли, гўзал ашулалар, қўшиқлар, мақом нолалари бор. Улар — миллий руҳиятимизнинг нафис ифодалари, халқимизнинг турли тарихий даврлардаги қалб ҳис-туйғуларининг ажиб кўзгуларидир. Уларда тарих, даврлар мужассам.

Опанинг ўзлари мусиқа ва қўшиқ санъатида ўз мактабини аллақачон яратган санъаткордир. Коммуна Исмоилова санъатда жуда кўп ва ранг-баранг овоз соҳибларига мураббийлик қилган, уларга йўл-йўриқлар кўрсатган, тарбиялаган. Коммунахоним опанинг шогирдлари орасида Малоҳат Дадабоева, Муножат Тешабоева, Ҳадя Юсупова, Раҳима Йўлдошева, Матлуба Дадабоева, Маҳбуба Ҳасанова, Шарофат Тожибоева, Тожибар Азизова, Дилором Қаюмова, Зулайҳо Бойхонова, Даврон Аҳмедов, Темур Маҳмудов, Маҳмуд Йўлдошев каби эл назарига тушган, юксак унвонларни қўлга киритган ажойиб хонандалару созандалар бор.

Шахсан менинг ўзим Коммуна Исмоилованинг Нозимахоним ғазали билан айтиладиган «Қашқарча Ушшоқ» («Рост» мақомидан) ва «Ёринг бўлай» каби ашулалари йўлидан бориб, ўзим айтадиган «Бастакор Юнус отам» ва «Мен кетар бўлдим, нетай» номли ашулаларни яратганман.

Шу ўринда Коммунахонимнинг яна ўз дил эътирофларини келтириб ўтмоқчиман: «Мен устозлардан олган ўгитларимни, уларнинг бой ва ранг-баранг ижро услубларидаги тажрибаларни шогирдларим тарбиясида қўлладим ва қувонарли натижаларга эришдим. Ўзим эса мана шу улуғ санъат мактабида ўсиб-улғайиб, халққа таниқли санъаткор бўлганимдан мамнунман. «Ўзбекистон халқ артисти» деган юксак унвонга, орденлар ва медалларга сазовор бўлдим. Энг муҳими, халқ эътирофига мушарраф бўлганлигимдир. Мен — бахтли инсонман».

Ҳа, Коммуна Исмоилованинг узоқ ва баракали ҳаёти, санъатимиздаги ёрқин ва шарафли ўрни ҳавасланарлидир. Шахсан ўзим Коммунахон Исмоилованинг отам, академик Юнус Ражабийга садоқатли шогирд ҳамда бугунги кунда ўзим бу улуғ ҳофиза-санъаткорга шогирд, беқиёс санъатларига мухлис эканлигимдан фахрланаман.

Ҳасан РАЖАБИЙ, Ўзбекистон халқ ҳофизи.

Эҳтиром

Мен шу улкан ижрочимиз ҳақида, у киши табаррук 80 ёш довонига кўтарилган шу кунларда, икки оғиз дил сўзимни ёзай деб, сўзга чоғланиб, раҳматли отамиз, академик Юнус Ражабий уй-музейида сақланаётган ҳофиза ижросида оҳанграбо тасмаларига ёзиб олинган роҳатбахш, жозибали ўзбек халқ ашулаларини, бастакорларимиз яратган қўшиқларни, ўзбек мақомларини, ҳатто рус ва бошқа миллатларнинг Коммунахоним ижросидаги қўшиқларини яна бир бор тингладим. Ва ***мен ана шу эшитганларимнинг чуқур таассуроти остида, зўр ҳаяжонга берилиб, кўзларим намланиб, дилим улуғ санъатдан яйраб, қўлимга қалам олдим. Мен Коммунахонимнинг айтганларини қайта тинглаб туриб, сездимки, йигирма йилга яқин бирга, ёнма-ён Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг Юнус Ражабий номидаги «Мақом» ансамблида ишлаб, унинг шу қадар маҳобатли санъаткор эканлигини сезмай юраверган эканман. Бунга сабаб, санъаткор онахонимизнинг ўта камтарлиги, мулойимлиги, ўзини ўтга-чўққа урмасликлари бўлса керак.***

СУРАТДА: устоз ва шогирд — академик Юнус Ражабий ва Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоилова.

Бу — қизиқ

14 ёшида Атлантика бўйлаб

Атлантика океанини айланиб чиқиш осон иш эмас. Айниқса ёшинг 14 да бўлса. Британиялик мактаб ўқувчиси Майкл Перем Атлантика уммонини бир ўзи кесиб чиққан ёш яхтачи сифатида тарихга кирадиган бўлди.

Гибральтар бўғозидан бошланган саёҳат Кариб денгизигача олти ҳафта давом этди. Кўзланган манзил эса Антигуага етиш эди. Ҳайтовур бу вақт оралиғида бир маротаба яхта рули таъмирланганлигини айтмаганда, ҳеч қандай кўнгилсизлик юз бермади.

Майкл Атлантикани забт этиб, Антигуага кириб келаётганда, уни ҳамма қаҳрамонлардек кутиб олди. Яхта қирғоққа яқинлашмасданоқ, унга бир қанча қузатувчилар ҳам қўшилди. Ҳатто ҳукумат делегацияси оркестр ва гуллар билан кутиб олиш маросими уюштирди. "Бу ҳақиқий фантастика", деди ўз қувончини яширолмаган Майкл.

Кредит мушукка берилди

Одатда банкдан кредит олиш имтиёзи жисмоний ва юридик шахсларга берилади. Бироқ Австралиянинг "Bank of Queensland" банки раҳбарияти бу анъанага ўзгача ёндошди. Яъни, банк ходимлари кредит картани инсонга эмас, мушукка берди.

Мессия исмли бу малларанг мушукнинг эгаси маълумотномани жониворнинг исмини кўрсатиб тўлдирса денг. Мушукнинг банкдаги ҳисоб рақамига маблағ тушган ёки тушмаганлигини билишда бу қўл келаркан. Мутасаддиларнинг айтишларича, Мессияга аввал ҳам кредит карта берилган. Эндигиси ҳисоб бўйича иккинчисидир. Банк мушукка кредит бўйича 4200 Австралия доллари (3300 АҚШ доллари) миқдорида маблағ берди.

Кредит карта солинган конвертни мушукнинг эгаси Кэтрин Кэмпбелл олди-да, манзили кўрсатилган мушук — Мессия Кэмпбеллга элтиб берди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида Омонулла ФАЙЗИЕВ тайёрлади.

Қаҳрамон билан учрашув

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ артисти Зикир Муҳаммаджоновни санъат ихлосмандлари яхши билишади. Яқинда устоз санъаткор Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ва Самарқанд вилоятлари аҳли билан ижодий учрашув ўтказди.

Жойларда Зикир ака томошабинларга театр ва кинода яратган ролларидан парча ва монологлар ўқиб берди. Айниқса, Жалолқудуқ, Асака ва Пахтаободдаги учрашувлар маroқли кечди. Ижодий кечалар сўнгида Зикир Муҳаммаджонов қатнашган «Собир Раҳимов», «Севги афсонаси», «Али бобо ва қирқ қароқчи» бадиий фильмлари намойиш этилди.

Самир ҚОДИРОВ.

"BEUKEVELD EXPORTS BV"
Голландия компанияси
Ford
FIAT
JOHN DEERE
CASE IH
MASSEY FERGUSON
NEW HOLLAND
Жаҳонда етакчи бўлган ишлаб чиқарувчиларнинг АРЗОН НАРХЛИ, СИФАТЛИ қишлоқ хўжалиги техникаларини таклиф этади.
Бизда 75-350 от кучига эга бўлган тракторлар, комбайнлар, экин экиш ва ерга ишлов бериш техникалари мавжуд.

Батафсил маълумотлар: www.beukeverld.nl веб-сайтида.
Маълумот олиш учун боғланиш:
Бизнинг манзил: Hoekvaartweg 34, 1771 RP Wieringerwerf, the Netherlands (Голландия) тел: 31-227-604300 факс: 31-227-604422 email: info@beukeveld.nl
Минтақадаги вакопатхона: Қозоғистон, Қустанай ш., Бородин к.,235/1, тел: 8 3142 576140 email: intexnika@mail.ru

Российский линолеум
Производство ЩекиноАзот г. Тула, Стройпластмасс г. Ульяновск
тел. 134-48-11
факс 134-49-58

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси Ахборот технологиялари ва дистанцион ўқитиш маркази тармоқ администратори Хондамир Абдуқодиров ва унинг яқинларига отаси **Хусан АҲРОРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Молия институти жамоаси Ўзбек ва рус тиллари кафедрасининг доценти, филология фанлари номзоди Қўшмурод Бекназаровга падари бузруквори **БЕКНАЗАР отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 053. 38237 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва миントақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 21.40 23456